

**Энергоменежмент тизими - ISO 50001:2018 стандарти асосида сертификатлаштирилган корхоналар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

T/P	Корхона номи	Сертификатлаштирган орган номи	Корхонада жорий қилинишидан олдинги электр энергияси сарфи (kW/h)	Жорий қилингандан кейинги электр энергияси сарфи (kW/h)	Иқтисод қилинган электр энергия	Иқтисод қилинган электр энергия (%)
ЖАМИ:			948 205 241	602 409 617	345 795 624	36%
Андижон вилояти						
1	АО "Асака Дон Махсулотлари"	ОС СМ ИП «SGS Tashkent Ltd.»	420 000	380 000	40 000	10%
2	АО "Андижондонмахсулотлари"	ОС СМ ГП "УзТест "	840	520	320	38%
3	"Khantex group" МЧЖ	ОС СМ ГП "УзТест "	7 863 824	5 185 330	2 678 494	34%
4	УП «Андижанская ГЭС»	ОС СМ ООО "Management Certification"	3 860 000	1 730 000	2 130 000	55%
5	СП ООО «Уз-Ханву»	ОС СМ ООО "O'zbek-Xolding"	4 370 000	1 540 000	2 830 000	65%
6	Станция подземного хранения газа «Ходжаабд»	ОС СМ ООО «Cert International»	3 320 000	960 000	2 360 000	71%
7	ООО «AVTO CLIMATE CONTROL»	ОС СМ ООО "O'zbek-Xolding"	1 936 000	985 000	951 000	49%
Бухоро вилояти						
8	АО "Бухородонмахсулотлари"	ОС СМ ГП "УзТест "	245 000	201 200	43 800	18%
9	АО "Qorako'ldonmahsulotlari"	ОС СМ ГП "УзТест "	199 800	148 700	51 100	26%
10	АО "G'IJDUVON PAHTA TOZALASH"	ОС СМ ГП "Самаркандский ЦИС"	273 500	231 000	42 500	16%
11	АО "Бухара ПТЭС"	ОС СМ ГП "Самаркандский ЦИС"	18 000	14 050	3 950	22%
Қашқадарё вилояти						
12	АО «Талимарджанская ТЭС»	ОС СМ СП ООО «Русский Регистр - Средняя Азия»	6 052 730	4 420 614	1 632 116	27%
13	АО «Дунё-М»	ОС СМ СП ООО «Русский Регистр - Средняя Азия»	8 449 502	2 188 897	6 260 605	74%
14	ООО «Koson DMQQ»	ОС СМ СП ООО «Русский Регистр - Средняя Азия»	1 838 647	568 780	1 269 867	69%
15	ООО «Qamashi DQQ»	ОС СМ СП ООО «Русский Регистр - Средняя Азия»	62 063	40 499	21 564	35%
16	СП ООО «GISSARNEFTGAZ»	ОС СМ ООО «Cert International»	899 673	581 732	317 941	35%
17	АО "Кашқадарё дон махсулотлари"	ОС СМ ГП "УзТест "	1 651 547	309 589	1 341 958	81%
18	АО «Узбекнефтегаз» «МГПЗ»	ОС СМ ООО "Management Certification"	217 413 846	69 401 271	148 012 575	68%
19	АО «Муборекская теплоэлектроцентраль»	ОС СМ ООО "Management Certification"	2 147	1 358	789	37%
20	ООО «Шуртанский газохимический комплекс»	ОС СМ ООО "Management Certification"	112 474 037	75 294 850	37 179 187	33%
Қорақалпоғистон Республикаси						
21	АО "Tahiyatosh IES"	ОС СМ Институт стандартов	252 160	232 528	19 632	8%
22	АО "ТАХИАТОШ ДОН МАХСУЛОТЛАРИ"	ОС СМ ГП "УзТест "	910	228	683	75%
23	АО "QORAQALPOQ DON MAHSULOTLARI"	ОС СМ ГП "УзТест "	1 726	1 200	526	30%

T/P	Корхона номи	Сертификатлаштирган орган номи	Корхонада жорий қилинишидан олдинги электр энергияси сарфи (kW/h)	Жорий қилингандан кейинги электр энергияси сарфи (kW/h)	Иқтисод қилинган электр энергия	Иқтисод қилинган электр энергия (%)
Навоий вилояти						
24	АО "QIZILQUMSEMENT"	ОС СМ ООО "Sert Management"	561 600 000	424 800 000	136 800 000	24%
25	АЖ "Навоийдонмахсулотлари	ОС СМ ГП "Самарқандский ЦИС"	450 000	400 000	50 000	11%
26	АО «NAVOIYAZOT»	ОС СМ ООО "Management Certification"	1 874 162	1 365 865	508 297	27%
27	АО "ПОПДОНМАХСУЛОТЛАРИ"	ОС СМ ООО «Nika-Certification	2 880	2 520	360	13%
28	АО "НАМАНГАН ДОН МАХСУЛОТЛАРИ"	ОС СМ ООО "Central Asia Certification"	4 212	3 672	540	13%
29	АО «Uchq'org'on Don Mahsulotlari»	ОС СМ ООО "Central Asia Certification"	10 800	9 000	1 800	17%
30	СП ООО «UZ CHASYS»	ОС СМ ООО "O'zbek-Xolding"	1 070	949	121	11%
Самарқанд вилояти						
31	АО "SAMARQANDDONMAHSULOTLARI"	ОС СМ ГП "УзТест "	578	296	282	49%
32	АО "Jomboy Don"	ОС СМ ГП "Самарқандский ЦИС"	833	763	70	8%
33	АО «OQTOSH DON»	ОС СМ ООО "Central Asia Certification"	1 200	1 100	100	8%
34	АО"Sirdaryo IES"	ОС СМ ООО «DQS Quality System»	58 000	50 000	8 000	14%
35	АО "Ок олтин дон махсулотлари"	ОС СМ ГП "УзТест "	653	498	155	24%
Сурхондарё вилояти						
36	АК «Шурчидонмахсулотлари»	ОС СМ СП ООО «Русский Регистр - Средняя Азия»	1 640	1 468	172	10%
Тошкент вилояти						
37	АО"Тошкентдонмахсулотлари"	ОС СМ СП ООО «Русский Регистр - Средняя Азия»	6 080 000	5 470 000	610 000	10%
38	"Ғалла -Алтег" АЖ	ОС СМ ГП "УзТест "	6 300 000	5 700 000	600 000	10%
Фарғона вилояти						
39	АО «BAG'DODDONMAHSULOTLARI»	ОС СМ ООО «Nika-Certification	94 000	84 000	10 000	11%
40	АО "QO'QON DON MAHSULOTLARI"	ОС СМ ООО "Central Asia Certification"	105 000	90 000	15 000	14%
Хоразм вилояти						
41	ООО "OBI HAYOT INGINIRING	ОС СМ ГП "УзТест "	3 370	2 960	410	12%
42	АО «BOG'OT-DON»	ОС СМ ГП "УзТест "	2 980	2 510	470	16%
43	Хорезмский филиал СП "O'Z-TONG HONG KO"	ОС СМ ГП «Хорезмский ЦИС»	3 112	2 672	440	14%
44	ООО "XORAZM PITNAK PLAST"	ОС СМ ГП «Хорезмский ЦИС»	4 800	4 000	800	17%

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Энергетика менежмент тизимлари
Фойдаланиш бўйича кўрсатма ва талаблар**

(ISO 50001:2018, IDT)

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

Мундарижа

Кириш	VI
1 Қўлланиш доираси.....	1
2 Норматив ҳужжатларга ҳаволалар	1
3 Атамалар ва таърифлар	1
3.1 Ташкилотга оид атамалар	1
3.2 Менежмент тизимига доир атамалар	2
3.3 Талабга доир атамалар	3
3.4 Фаолиятга доир атамалар.....	4
3.5 Энергияга доир атамалар	5
4 Ташкилотнинг муҳити (ташкилот фаолият олиб бориши учун шартлар)	6
4.1 Ташкилотнинг муҳити тўғрисида тушунча (унинг фаолият олиб бориши шартлари).....	6
4.2 Манфаатдор томонларнинг эҳтиёжлари ва кутилмалари тўғрисида тушунча	6
4.3 Энергетика менежменти тизимининг қўлланилиш соҳасини белгилаш.....	7
4.4 Энергетика менежменти тизими	7
5 Пешқадамлик.....	7
5.1 Пешқадамлик ва тарафдорлик.....	7
5.2 Энергетика сиёсати.....	8
5.3 Ташкилотдаги вазифалар мажбуриятлар ва ваколатлар	8
6 Режалаштириш	9
6.1 Риск ва имкониятларга жавоб қайтаришга доир ҳаракатлар.....	9
6.2 Энергетикага доир вазифалар, мақсадлар ва уларга эришишни режалаштириш.....	9
6.3 Энергетика таҳлили	10
6.4 Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари	10
6.5 Энергетика хусусиятларининг асосий қийматлари.....	10
6.6 Энергетикага доир ахборотларни йиғишда режалаштириш	11
7 Қўллаб-қувватлаш.....	11
7.1 Ресурслар.....	11
7.2 Лаёқатлилиқ (компетентлик).....	11
7.3 Хабардорлик.....	12
7.4 Ахборот алмашиш	12
7.5 Ҳужжатлаштирилган ахборот	12
7.5.1 Умумий қоидалар.....	12
7.5.2 Ҳужжатлаштирилган ахборотни яратиш ва уни долзарблаштириш.....	12
7.5.3 Ҳужжатлаштирилган ахборотни бошқариш.....	13
8 Фаолият.....	13
8.1 Фаолиятни режалаштириш ва бошқариш	13
8.2 Лойиҳалаштириш.....	14
8.3 Харид.....	14
9 Фаолият кўрсаткичларини баҳолаш.....	14
9.1 Энергетика хусусиятлари ва ЭМТ мониторинги, ўлчаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш.....	14
9.1.1 Умумий қоидалар	14
9.1.2 Ҳуқуқий ва бошқа талабларни бажариш (риоя қилиш) даражасини баҳолаш	15
9.2 Ички аудит.....	15
9.3 Юқори раҳбарият томонидан таҳлил қилиш	15
10 Яхшилаш.....	16
10.1 Номувофиклик ва тузатиш ҳаракатлари.....	16
10.2 Доимий яхшилаш.....	17
А илова (маълумот учун). Қўлланилиш бўйича йўриқнома.....	18
В илова (маълумот учун) ISO 50001:2011 ва ISO 50001:2018 йили тасдиқланган.....	27
Библиография.....	29
Атамаларнинг алфавит бўйича жойлашуви.....	30

DAVLAT NAZORATINI

MUVOLAJASHTIRISH
BOSHQARMASI

Кириш сўзи

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) бутунжаҳон миллий стандартлаштириш органлари (ISO аъзолари) федерацияси ҳисобланади. ISO да халқаро стандартларни тайёрлаш жараёнлари, одатда, Техник қўмиталар ёрдамида амалга оширилади. Мазкур соҳага алоқадор ҳар бир миллий стандартлаштириш органи – ISO аъзоси Техник қўмигада ўз ваколатига эга. ISO билан боғлиқ бўлган халқаро ташкилотлар, ҳукумат ташкилотлари ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан бир қаторда стандартлаштириш жараёнларида иштирок этади. ISO электротехника стандартлаштиришнинг барча босқичларида Халқаро электротехника комиссияси (IEC) билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Ушбу ҳужжатнинг ишлаб чиқилишида фойдаланилган, шунингдек унга ҳамроҳлик қилиш учун мўлжалланган тартиб-қоидалар ISO/IEC йўриқномасининг 1-қисмида тасвирланган. Айниқса, унда ISO нинг турли кўринишдаги ҳужжатларини қабул қилиш учун зарур бўлган мезонларнинг мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу ҳужжатнинг лойиҳаси ISO/IEC йўриқномасининг 2-қисмида ақс этган стандартларни нашр қилиш қоидаларига мувофиқ тайёрланган (www.iso.org/directives га қаранг).

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу ҳужжатнинг айрим элементлари патентлик ҳуқуқининг объекти бўлиши мумкин. ISO бундай патент ҳуқуқларини аниқлаш (қисман ёки тўлиқ) учун жавобгар эмас. Ушбу ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши жараёнида аниқланган патент ҳуқуқларининг тафсилотлари ISOнинг кириш қисмида ва/ёки патентлар тўғрисидаги декларациялар рўйхатида ақс этирилади (www.iso.org/patents га қаранг).

Мазкур стандартда қўлланилган савдо белгилари шунчаки фойдаланувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида матнга киритилган маълумот бўлиб, реклама (тарғиб) қилишга хизмат қилмайди.

Савдо соҳасидаги техник тўсиқларга нисбатан (Technical Barriers to Trade – TBT) ISO томонидан Бутун Жаҳон Савдо ташкилотининг (БЖСТ) принципларига риоя қилиш тўғрисидаги маълумотлар билан бир қаторда, мувофиқликни баҳолашга доир ISO да қабул қилинган атамалар ва ифодалар моҳиятини тушуниш учун куйидаги сайтга мурожаат қилиш лозим: www.iso.org/iso/foreword.html.

Ушбу стандарт ISO/TC 301 Энергетика менежменти ва энергия тежаш Техник қўмига томонидан тайёрланган.

Ушбу иккинчи нашр техник жиҳатдан қайта кўриб чиқилган биринчи нашрни (ISO 50001:2011) бекор қилади ва ўрнида қўлланилади.

Иккинчи нашр билан таққосланганда куйидагича ўзгаришлар мавжуд:

- менежмент тизимининг бошқа стандартлари билан юқори даражадаги қарама-қаршиликни таъминлаш мақсадида менежмент тизими стандартларига, шу жумладан юқори даражадаги тузилиш, асосий матн, шунингдек, умумий атамалар ва тушунчаларга бўлган талабларнинг қабул қилиниши;
- стратегик менежмент жараёнлари билан юқори даражадаги интеграция;
- ҳужжат тили ва тузилишининг аниқлиги;
- юқори раҳбариятнинг ролига янада кучли эътибор қаратиш;
- 3-бўлимда тушунча ва атамаларнинг семантик тартибини кўрсатиш ва бир қатор тушунчаларга изоҳ киритиш;
- янги тушунчаларнинг киритилиши, шу жумладан энергетика хусусиятларининг яхшиланиши;
- ҳар қандай энергия турларининг истиснолари бўйича юқори даражадаги аниқликлар;
- “энергетика таҳлили” тушунчасини тушунтириш;
- энергетика хусусиятлари ва улар билан боғлиқ асосий қийматларнинг нормаллашуви тушунчасини киритиш;

- энергетикага доир маълумотлар ва улар билан боғлиқ талаблар (аввалда энергия ўлчови режаси деб юритилган) йиғиш режасини қўшимча очиқлаш;
- энергетика хусусиятлари ва уларнинг асосий қийматларига доир матнларни ушбу тушунчаларни янада яхшироқ тушуниш мақсадида батафсил баён қилиш.

Ушбу ҳужжат билан боғлиқ саволларни фойдаланувчилар стандартлаштириш бўйича миллий органларга юбориши лозим. Ушбу органларнинг тўлиқ рўйхатини қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин www.iso.org/member.html.

ЎЗЎСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVAJJIZLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Кириш**0.1 Умумий қоидалар**

Мазкур стандартдан кўзланган асосий мақсад – ташкилотга энергетика хусусиятларини, шу жумладан энергетика самарадорлиги, энергиядан фойдаланиш ва энергия истеъмоли самарадорлиги учун зарур тизимлар ва жараёнларни яратиш имконини бериш. Мазкур стандарт ташкилотнинг энергетика менежменти тизимига (ЭМТ) нисбатан аниқ талаблар белгилайди. ЭМТнинг муваффақиятли тадбиқ қилиниши энергетика хусусиятларини яхшилашга бўлган тарафдорликни қўллаб-қувватлайди. Бу эса, ўз навбатида, ташкилотнинг барча даражаларидаги, хусусан юқори раҳбариятдаги тарафдорликка боғлиқ бўлади. Кўп ҳолларда бу ташкилот хусусиятларининг ўзгаришига олиб келади.

Мазкур стандарт ташкилот бошқаруви остида амалга оширилаётган фаолиятга нисбатан қўлланилади. Унинг қўлланилиши ташкилотнинг ўзига хос талабларига, шу жумладан ташкилот тизими мураккаблигига, маълумотларни ҳужжатлаштириш даражаси ва мавжуд ресурсларга мос келиши учун мувофиқлаштирилиши мумкин. Ушбу стандарт фойдаланувчи томонидан ЭМТнинг қўлланилиш соҳаси ва чегарасидан ташқарида бўлган маҳсулотлардан фойдаланишга нисбатан ҳам, энергиядан фойдаланувчи бинолар, иншоотлар, тизимлар ёки жараёнлар билан боғлиқ бўлмаган лойиҳалаштиришга нисбатан ҳам қўлланилмайди. Ушбу стандарт ЭМТнинг қўлланилиш соҳаси ва чегараси доирасида энергиядан фойдаланувчи бинолар, иншоотлар, тармоқлар, жиҳозлар, тизим ёки жараёнларни лойиҳалаштириш ва харид қилишга нисбатан қўлланилади. ЭМТни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ўрнатилган ҳуқуқий ва бошқа талабларга риоя қилган (бажарган) ҳолда ташкилотнинг энергетика самарадорлиги, энергиядан фойдаланиш ва энергия истеъмолига доир сиёсати, мақсад ва вазифалари, ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

ЭМТ ташкилотга мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш, энергетика масалаларини ҳал қилиш, энергетика хусусиятларини яхшилаш учун зарур чораларни амалга ошириш, қолаверса унинг мазкур стандарт талабларига мувофиқлигини намоён қилиш имконини беради.

0.2 Энергия хусусиятларига асосланган ёндашув

Ушбу ҳужжат энергетика хусусиятларини доимий яхшилашга қаратилган, тегишли маълумотлар асосида бошқариладиган ва амалга ошириладиган, фактларга асосланган жараёнларга нисбатан талабларни ўз ичига олади. Энергетика хусусиятлари маҳсулдор ва самарали натижаларни ўз вақтида олиш учун ушбу ҳужжатга киритилган тушунчаларнинг муҳим элементидир. Энергетика хусусиятлари энергия самарадорлигини, энергияни ишлатиш ва истеъмол қилишни назарда тутадиган тушунчадир.

Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари ва унинг асосий қийматлари икки ўзаро боғлиқ элементлар бўлиб, Мазкур стандартда ташкилотга энергетика хусусиятларини яхшилашни намоён қилиш имконини бериш учун қўлланилади.

0.3 PDCA цикли (Режалаштир – Бажар – Текшир – Ҳаракат қил)

Ушбу ҳужжатда тасвирланган ЭМТ энергетика менежментини ташкилотнинг мавжуд фаолияти билан бирлаштиришга хизмат қилувчи “Режалаштир – Бажар – Текшир – Ҳаракатлан” (Plan, Do, Check and Act - PDCA) доимий яхшилаш методикасига асосланган (1-расмда тасвирланган).

Энергетика менежменти муҳитида PDCA-ёндашув куйидагича тасвирланиши мумкин:


–Режалаштир: ташкилот муҳитини тушун, энергетика сиёсатини ўрнат ва энергетика менежменти бўйича жамоани ташкил қил, риск ва имкониятларга жавоб қайтарадиган хатти-ҳаракатларни кўриб чиқ, энергетика таҳлили **VAZOLIMBOB**, кўрсаткичлардаги энергия истеъмолчиларини аниқла, шунингдек энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичларини, ушбу кўрсаткичларнинг асосий қийматларини ўрнат, энергетикага оид вазифалар ва мақсадларни белгила, ташкилотнинг энергетика сиёсати ва мақсадларини мувофиқ равишда

энергетика хусусиятларини яхшиловчи натижаларни олиш учун зарур ҳаракатларни амалга ошириш.

Бажар: режалаштирилган ҳаракатлар, инфратузилмани ишга лаёқатли ҳолатда сақлаш ва фаолияти воситалари ва методларини амалга ошириш, ахборот алмашишни амалга ошириш, зарур билимларга эгалликни таъминлаш, лойиҳалаштириш ва харид қилишда энергетика хусусиятларини ўрганиб чиқиш.

Текшириш: юқори раҳбарият томонидан энергетика хусусиятлари ва ЭМТ мониторинги, ўлчови, таҳлили, баҳолаш, аудитини олиб бориш.

Ҳаракатлан: номувофиқликка жавобан ҳаракатларни амалга ошириш ва энергетика хусусиятлари ва ЭМТни доимий яхшилаб бориш.



1-Расм. PDCA (Plan-Do-Check-Act) цикли

0.4 Бошқа менежмент тизими стандартларига мувофиқлиги

Ушбу ҳужжат менежмент тизими стандартларига қўйиладиган талабларга мос келиб, ушбу тизимнинг бошқа стандартлари билан қарама-қаршилик даражаси юқорилигини таъминлаган ҳолда юқори даражанинг тузилиши, асосий матн, шунингдек умумий тушунча ва атамаларни ўз ичига олади. Ушбу ҳужжат мустақил равишда қўлланилиши мумкин, шу билан бирга, ташкилот бизнес мақсадларга, шунингдек, экологик ва ижтимоий мақсадларга эришиш учун қўлланилиши мумкин.

Бир хил фаолиятни амалга оширувчи, лекин турли хил энергетика хусусиятларига эга икки ташкилотнинг иккаласи ҳам ISO 50001 талабларига мос ҳолатда бўлиши мумкин.

Мазкур стандарт мувофиқликни баҳолаш учун фойдаланиладиган талабларни ўз ичига олган. Ушбу ҳужжатга мувофиқлигини намоён қилиш истагида бўлган ташкилот буни қуйидаги усуллар ёрдамида қилиши мумкин:

- мувофиқликни баҳолаш ва уни билдириш, ёки
- мувофиқликни тасдиқлаш ёки истеъмолчилар каби манфаатдор томонларга билдириш юзасидан мурожаат қилиш, ёки ўз ЭМТни сертификатлаш/рўйхатдан ўтказиш юзасидан мурожаат қилиш.

Ушбу ҳужжатда қуйидаги феъл шакллари қўлланилади:

- «шарт, лозим, керак» («shall»), заруриятни билдиради;
- «тавсия этилади» («should»), тавсия учун қўлланилади;
- «рухсат этилади» («may»), рухсати, ҳуқуққа эгаллигини билдиради;
- «қила олади» («can»), имконият ёки қобилиятни билдиради.

“Изоҳ” да келтирилган маълумот ҳужжатни тушунишда ёки қабул қилишда кўмаклашиш учун хизмат қилади. 3-бўлимда қўлланилган “Кўшимча сифатида изоҳ” эса атамаларни қўллашга доир ҳолларни ўз ичига олувчи кўшимча маълумотлардан ташкил топган.

0.5 Ушбу ҳужжатнинг афзалликлари

Ушбу ҳужжатнинг муваффақиятли тадбиқ қилиниши ташкилот томонидан энергетика менежментини амалга ошириш учун қўлланиладиган усулларни ўзгартириши мумкин бўлган энергетика хусусиятларини яхшилашга қаратилган тизимли ёндашувни қўллаш имконини беради. Энергетика менежментини бизнес амалиётга интеграциялашуви орқали ташкилот ўз энергетика хусусиятларини доимий яхшилаши учун жараёни яратиши мумкин. Энергетика хусусиятларини яхшилаш ва энергиянинг тегишли харажатларини камайтириш ҳисобига ташкилот ўз рақобатбардошлигини ошириши мумкин. Бундан ташқари, ЭМТни жорий қилиш ташкилот учун энергия истеъмоли билан боғлиқ иссиқхона газларининг чиқишини камайтириш ҳисобига глобал иқлим ўзгаришларига қарши курашиш масалаларини ҳал қилишга олиб келиши мумкин.

**O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOLAJLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Энергетика менежменти тизимлари Фойдаланиш бўйича кўрсатма ва талаблар

Системы энергетического менежмента ТРЕБОВАНИЯ И РУКОВОДСТВО ПО ИХ ПРИМЕНЕНИЮ

Energy management systems REQUIREMENTS WITH GUIDANCE FOR USE

Жорий этиш санаси 01.11.2019

1 Қўлланиш доираси

Ушбу стандарт энергетика менежменти тизимини (ЭМТ) яратиш, қўллаш, ишга яроқли ҳолатда сақлаш ва яхшилашга доир талабларни белгилайди. Ташкилот учун бу энергетика хусусиятлари ва ЭМТ ни доимий яхшилашга эришишда тизимли ёндашувдан фойдаланиш имкониятини беради.

Ушбу стандарт:

а) тури, катта-кичиклиги, мураккаблиги, географик жойлашуви, ташкилий маданияти, тақдим этадиган маҳсулот ва хизматларидан катъи назар, барча ташкилотлар учун қўлланилади;

б) ташкилот бошқаруви ва назоратида бўлган энергетика хусусиятларига таъсир кўрсатувчи фаолиятга нисбатан қўлланилади;

с) сарфланадиган энергия миқдори, ундан фойдаланиш усуллари ёки энергия турларидан катъи назар қўлланилади;

д) энергетика хусусиятларини доимий яхшилашни намоён қилишни талаб қилади, лекин бу хусусиятларни эришиш учун зарур яхшилаш даражаларини белгиламайди;

е) мустақил тарзда ёки менежментнинг бошқа тизимлари билан боғлиқ ҳолда ёки биргаликда қўлланилиши мумкин.

А иловада ушбу стандартнинг қўлланилишига доир йўриқнома келтирилган. В иловаси ушбу нашрнинг аввалги нашри билан солиштирилишини таъминлайди.

2 Норматив ҳужжатларга ҳаволалар

Ушбу стандартда норматив ҳужжатларга ҳаволалар йўқ.

3 Атамалар ва таърифлар

Мазкур стандартда кўзда тутилган мақсадлар учун қуйида кўрсатилган тушунча ва атамалар қўлланилади.

ISO ва IEC томонидан стандартлаштириш учун қўлланиладиган атамалар қуйидаги электрон манзилларда жойлашган:

- ISO Online browsing platform: <https://www.iso.org/obp>
- IEC Electropedia: <http://www.electropedia.org/>

3.1 Ташкилотга оид атамалар

3.1.1 ташкилот (**organization**): Мақсадларига эришиши учун (3.4.13) жавобгарлик, ваколат ва ўзаро муносабат билан бирга ўз функционал вазифаларига эга шахс ёки гуруҳ.

Изоҳ: Ташкилот тушунчаси шу билангина чекланиб қолмай, балки юридик шахс, давлатга тегишли ёки хусусийлигидан катъи назар, яқка тадбиркорлар, корхоналар, корпорациялар,

6632
26 04 19

фирмалар, саноат корхоналари, ҳукумат органлари, ширкатлар, хайрия жамғармалари ёки ташкилотлари, ёки уларнинг бўлимлари, бирлашмаларини ҳам ўзичига олади.

3.1.2 юқори раҳбарият (top management): Ташкилот (3.1.1) фаолияти йўналишларини юқори даражада белгиловчи ва фаолиятни бошқарувчи шахс ёки гуруҳ.

Изоҳлар:

1 Юқори раҳбарият (раҳбарият) ташкилот ичида ваколатларни бўлиб бериш ва ресурслар тақдим этиш ҳуқуқига эга.

2 Агар менежмент тизими (3.2.1)нинг қўлланилиш соҳаси факатгина ташкилотнинг бир қисмини қамраб олса, юқори раҳбарият деганда ташкилотнинг ушбу қисмини бошқарувчи ва раҳбарлик қилувчи шахс (лар) тушунилади.

3 Юқори раҳбарият ЭМТнинг қўлланилиш соҳаси (3.1.4) доирасида ва энергетика менежменти тизими чегараси (3.1.3)да ташкилотни бошқаради.

3.1.3 чегаралар (boundaries): Табиий чегаралар ёки ташкилот ичидаги (ташкилий тузилма ичидаги) чегаралар.

Мисол: жараён (3.3.6); жараёнлар гуруҳи; битта ишлаб чиқариш майдони; ташкилот бошқарувида бўлган ишлаб чиқариш майдонлари гуруҳи ёки умуман ташкилот(3.1.1)нинг ўзи.

Изоҳ: ЭМТ чегарасини ташкилот белгилайди.

3.1.4 энергетика менежменти тизимининг (ЭМТ) қўлланилиш соҳаси: Энергетика менежменти тизими (3.2.2) орқали ташкилот (3.1.1) билан боғлиқ фаолиятлар мажмуаси.

Изоҳ - ЭМТнинг қўлланилиш соҳаси бир қанча чегараларни (3.1.3) ва транспортда ташиш бўйича фаолиятни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

3.1.5 манфаатдор томон (interested party) – қўлланилиши афзал кўриладиган атама, stakeholder (қўлланилиши мумкин бўлган атама): Қарорларни қабул қилишга ёки амалга ошириладиган фаолиятга таъсир этиши мумкин бўлган шахс ёки ташкилот (3.1.1).

3.2 Менежмент тизимига доир атамалар

3.2.1 менежмент тизими (management system): Мақсадларга эришиш учун сиёсат (3.2.3) ва мақсадлар (3.4.13), шунингдек жараёнлар (3.3.6)ни белгилашга мўлжалланган ташкилот (3.1.1)нинг ўзаро алоқадор элементлари мажмуи.

Изоҳлар:

1 Менежмент тизими фаолиятнинг бир ёки бир нечта жиҳатларини қамраб олиши мумкин.

2 Менежмент тизими ташкилот тузилмаси, вазифаси ва мажбуриятлари, режалаштириш ва ишлаб чиқаришга доир фаолияти каби элементларни ўз ичига олади.

3 Баъзи менежмент тизимларида тизимнинг қўлланилиш соҳаси бутун ташкилотни, ташкилот ичида аниқ ажратиб кўрсатилган функцияларни, ташкилотнинг аниқ ажратиб кўрсатилган қисмларини ёки ташкилотлар гуруҳидаги бир ёки бир нечта функцияларни қамраб олиши мумкин. ЭМТнинг қўлланилиш соҳаси (3.1.4) ушбу тизимнинг чегаралари (3.1.3) доирасидаги барча энергия турларини қамраб олади.

3.2.2 энергетика менежменти тизими (ЭМТ) (energy management system, ЕлMS): Мақсадларга эришиш ва энергетика билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун энергетика сиёсати (3.2.4), мақсадлари (3.4.13), энергетика масалалари (3.4.15), ҳаракатлар режаси ва жараёнлар (3.3.6) ни белгилашда фойдаланиладиган менежмент тизими (3.2.1).

3.2.3 сиёсат (policy): Юқори раҳбарият (3.1.2) томонидан расман белгиланган ташкилот (3.1.1)нинг ривожланиш йўналишлари.

3.2.4 энергетика сиёсати (energy policy): Ташкилотнинг (3.1.1) юқори раҳбарият (3.1.2) томонидан расман тасдиқланган, унинг умумий мақсадлари, ҳаракати йўналишлари ва ўз энергетика кўрсаткичларига (3.4.3) нисбатан тарафдорлиги акс этган баёноти.

3.2.5 энергетика менежменти бўйича жамоа (energy management team): Энергетика менежменти тизими (3.2.2)ни самарали қўллаш ва энергетика хусусиятларини яхшилаш (3.4.6)га эришиш учун масъул ва ваколатдор шахс (фундаментал).

Изоҳ - Энергетика менежменти бўйича жамоа аъзоларининг сонини белгилашда ташкилот (3.1.1) фаолиятининг кўлами ва хусусиятлари ҳисобга олинган. БУ БУТУН ЖАМОАНИНГ вазифасини ҳам бажариши мумкин.

3.3 Талабга доир атамалар

3.3.1 талаб (requirement): Билдирилган (белгиланган, берилган) талаб ёки кутиладиган натижалар, одатда, тахмин қилинади ёки мажбурий ҳисобланади.

Изоҳлар:

1 «Одатда тахмин қилинади» деганда, ташкилот (3.1.1) ва манфаатдор томонлар (3.1.5) учун бу одатий ёки умумий қабул қилинган амалиёт ҳисобланиб, кўриб чиқилладиган талаб ва кутиладиган натижалар кўзда тутилади.

2 Масалан ҳужжатлаштирилган ахборотда (3.3.5) аниқланган талаб белгиланган деб ҳисобланади.

3.3.2 мувофиқлик (conformity): Талабни бажариш (3.3.1).

3.3.3 номувофиқлик (nonconformity): Талабларни бажармаслик (3.3.1).

3.3.4 тузатиш ҳаракати (corrective action): Номувофиқлик (3.3.3) сабабларини бартараф этиш ва уларни такрорланишини олдини олишга қаратилган ҳаракатлар.

3.3.5 ҳужжатлаштирилган ахборот (documented information): Ташкилот (3.1.1) томонидан бошқариш ва ишга яроқли ҳолатда сақлаш талаб этиладиган маълумот.

Изоҳлар:

1 Ҳужжатлаштирилган ахборот турли форматга эга бўлиши, турли манбалардан олинishi мумкин.

2 Ҳужжатлаштирилган ахборот қуйидагиларга тегишли бўлиши мумкин:

- менежмент тизими (3.2.1)га, шу жумладан тегишли жараёнлар (3.3.6);

- ташкилот фаолиятини таъминлаш учун яратилган маълумотларга, бошқача айтганда ҳужжатлаштиришга;

- эришилган натижалар тўғрисидаги маълумотларга, бошқача қилиб айтганда қайдларга.

3.3.6 жараён (process): “Киришлар”ни “чиқишлар”га алмаштирадиган ўзаро алоқадор фаолият турлари мажмуаси.

Изоҳ - Ташкилот (3.1.1)га тегишли жараёнлар:

- табиий (масалан, ёниш каби энергиядан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлар) ёки

- бизнес жараёнлар ёки хизмат кўрсатиш жараёнлари (масалан, буюртмани бажариш)

каби кўринишларда бўлиши мумкин.

3.3.7 мониторинг (monitoring): Тизим, жараён (3.3.6) ёки фаолият тури ҳолатини белгилаш (аниқлаш).

Изоҳлар:

1 Ҳолатни белгилаш (аниқлаш) учун текшириш, назорат ёки танқидий таҳлил зарур бўлиши мумкин.

2 Энергетика менежменти тизимлари (3.2.2)да энергетикага оид маълумотлар таҳлили мониторинги бўлиши мумкин.

3.3.8 аудит (audit): Аудит маълумотларини олиш ва аудит мезонларига мувофиқлик даражасини аниқлаш учун объектив баҳолашнинг тизимли, мустақил ва ҳужжатлаштирилган жараёни (3.3.6).

Изоҳлар:

1 Аудит ички (биринчи томон томонидан ўтказилади) ёки ташқи (иккинчи ёки учинчи томон томонидан ўтказилади), шунингдек аралаш (икки ёки ундан ортиқ стандартларни камраб олади) бўлиши мумкин.

2 Ички аудит ташкилот (3.1.1)нинг ўзи томонидан ўтказилади ёки ташкилот топширигига кўра ташқи томон томонидан ўтказилади.

3 «Аудит маълумотлари» ва «аудит мезонлари» ISO 19011да белгиланган.

4 Ушбу ҳужжатда қўлланиладиган ва изоҳланган “аудит” атамаси энергетика менежменти тизими (3.2.2)нинг ички аудитини англатади. У “энергетика аудити”дан фарқ қилади. “Аудит маълумотлари” атамасидаги аудит деганда, энергетика аудити жараёнида эмас, балки энергетика менежменти тизимининг ички аудити жараёнида олинган маълумотлар назарда тутилади.

3.3.9 аутсорсингга бериш (outsource (vcrb)): Бир ташкилотнинг функцияси ёки жараёнининг (3.3.6) бир қисмини ташқаридаги ташкилотга бериш.

DAVLAT NAZORATINI

MUVOLAJLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Изоҳ - Ташқаридаги ташкилот менежмент тизими (3.2.1) нинг қўлланилиш соҳасидан ташқарида бўлган тақдирда ҳам, унга берилган функция ёки жараён қўлланилиш соҳаси доирасида бўлади.

3.4 Фаолиятга доир атамалар

3.4.1 ўлчаш (measurement): Катталиқ кийматларини белгилаш (аниқлаш) жараёни (3.3.6)

Изоҳ - Ўлчовлар ўтказиш билан боғлиқ тушунчалар тўғрисида қўшимча маълумотлар олиш учун ISO/IEC Guide 99га мурожаат қилиш лозим.

3.4.2 фаолият натижалари (performance): Ўлчанадиган натижа.

Изоҳлар:

1 Фаолият натижалари миқдорий бўлиши ҳам, сифат натижаларига тегишли бўлиши ҳам мумкин.

2 Фаолият натижалари менежмент, жараёнлар (3.3.6), маҳсулотлар (шу жумладан, хизматлар), тизимлар ёки ташкилотларга (3.1.1) оид бўлиши мумкин.

3.4.3 энергетика хусусиятлари (energy performance): Энергетика самарадорлиги (3.5.3), энергиядан фойдаланиш (3.5.4) ва энергия истеъмоли (3.5.2) га тегишли бўлган ўлчанадиган натижа (лар).

Изоҳлар:

1 Энергетика хусусиятлари ташкилот (3.1.1) мақсадлари (3.4.13), унинг энергетикага доир вазибалари (3.4.15) ва бошқа энергетика хусусиятларига бўлган талабларга нисбатан ўлчаниши мумкин.

2 Энергетика хусусиятлари энергетика менежменти тизими (3.2.2) хусусиятлари (3.4.2)нинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

3.4.4 энергетик хусусиятларнинг ўлчов кўрсаткичлари (energy performance indicator-EnPI): Ташкилот томонидан белгиланган энергетика фаолият натижаларининг (3.4.3) ўлчов мезони ёки миқдорий аниқланадиган кўрсаткичи.

Изоҳлар:

1 Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичи ўлчовга юз тутадиган фаолият хусусиятларига боғлиқ ҳолда, оддий метрик ўлчов бирликларида, нисбий бирликларда ёки мураккаб ўлчов бирликлари асосида ифодаланиши мумкин.

2 Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичларига оид қўшимча маълумотлар олиш учун ISO 50006 га мурожаат қилиш лозим.

3.4.5 энергетика хусусиятларнинг ўлчов кўрсаткичлари қиймати (energy performance indicator value): Белгиланган муддат давомида ёки маълум нуқтада энергетика фаолияти натижаларининг ўлчов кўрсаткичини (3.4.4) миқдорий аниқлаш.

3.4.6 энергетика хусусиятларини яхшилаш (energy performance improvement): Энергетика хусусиятларининг асосий қийматлари (3.4.7) билан таққослаганда энергиядан фойдаланишга (3.5.4) доир энергетика самарадорлиги (3.5.3) ёки энергия истеъмолини (3.5.2) яхшилаш.

3.4.7 энергетика хусусиятларининг асосий қиймати (energy baseline): Энергетика фаолияти натижалари (3.4.3) билан таққослаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи миқдорий кўрсаткичлар.

Изоҳлар:

1 Энергетика хусусиятларининг асосий қиймати ташкилот (3.1.1) томонидан белгилангани каби аниқ бир фаолият шароитлари ва/ёки аниқ бир даврдан олинган санага боғланган.

2 Бир ёки ундан ортиқ энергетика хусусиятларининг асосий қийматлари энергетика хусусиятларини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширилишидан олдин ва кейин маълумот сифатида энергетика хусусиятларини яхшилашни (3.4.6) аниқлаш учун қўлланилади.

3 Энергетика хусусиятларини ўлчаш ва текширишга доир қўшимча маълумотлар олиш учун ISO 50015 га мурожаат этиш лозим.

4 Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари ва уларнинг асосий қийматларига оид қўшимча маълумотлар олиш учун ISO 50006 га мурожаат этиш лозим.

3.4.8 статик омил (static factor): Энергетика хусусиятларига (3.4.3) аҳамиятли даражада таъсир этувчи ва кунда ўзгармайдиган омиллар.

Изоҳ - Аҳамиятлилик мезонларини ташкилот (3.1.1) белгилайди.

O'ZBEKISTAN
STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI

Мисол: бино ўлчамлари, ўрнатилган жиҳозлар конструкцияси, иш сменалари миқдори, маҳсулот турлари.

[Манба: ISO 50015:2014, 3.22, ўзгартирилган: Изоҳ қўшимча сифатида киритилган, МИСОЛ 1 ўзгартирилган, мисол 2 эса олиб ташланган]

3.4.9 тегишли ўзгарувчанлик (relevant variable): Энергетика фаолияти натижаларига (3.4.3) аҳамиятли даражада таъсир этувчи ва кунда ўзгарувчи миқдорий ифодаланган омиллар.

Изоҳ - Аҳамиятлилик мезонларини ташкилот (3.1.1) белгилайди.

Мисол: Об-ҳаво шароитлари, ишлаб чиқариш шароитлари (ичкаридаги ҳарорат, ёритиш даражаси), иш вақти, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори.

[Манба: ISO 50015:2014, 3.18, ўзгартирилган: Қўшимча сифатида изоҳ 1 киритилган ва мисоллар рўйхати ўзгартирилган]

3.4.10 меъёрийлаштириш (normalization): Тенг қийматлилиқ шароитида энергетика хусусиятларини (3.4.3) қиёслаш (қарама-қарши кўйиш)ни олиб бориш имконини берувчи ўзгаришларни ҳисобга олиш учун маълумотларни тартибга келтириш (модификация қилиш).

3.4.11 риск (risk): Ноаниқликнинг таъсири.

Изоҳлар:

1 Таъсир кутилаётган натижадан (ижобий ёки салбий) оғишда намоён бўлади.

2 Ноаниқлик – бу ходисаларни тушуниш ёки унинг оқибатлари, юзага келиш эҳтимоллари тўғрисида маълумотларнинг етишмаслиги ёки қисман бўлиши.

3 Риск, кўп ҳолларда, эҳтимоллиги юқори бўлган “ходиса”лар (ISO Guide 73да таърифлангани каби) ва уларнинг “оқибатлари” (ISO Guide 73да таърифлангани каби), ёки уларнинг ўзаро уйғунлашувига нисбатан аниқланади.

4 Риск, кўп ҳолларда, ходисалар оқибатларининг уйғунлашуви (шу жумладан вазиятлардаги ўзгаришлар) ва уларнинг вужудга келиши “эҳтимоллари”га (ISO Guide 73да таърифлангани каби) доир атамаларда ифодаланилади.

3.4.12 Лаёқатлилиқ (competence)

- мўлжалланган натижаларга эришиш учун билим ва кўникмаларни қўллаш қобилияти.

3.4.13 мақсад (objective): Эришиш зарур бўлган натижа.

Изоҳлар:

1 Мақсад стратегик, тактик ёки оператив кўринишда бўлиши мумкин.

2 Мақсадлар фаолиятнинг турли йўналишларига тегишли бўлиши мумкин (масалан, молиявий мақсадлар, соғлиқни сақлаш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга доир мақсадлар, экологик мақсадлар) ва ҳар хил даражалар олдидан қўйилиши мумкин (масалан, стратегик мақсадлар, умуман олганда ташкилотнинг мақсадлари, лойиҳа, маҳсулот ва жараён (3.3.6) олдидан қўйилган мақсадлар).

3 Мақсад турли усуллар ёрдамида, масалан мўлжалланган “чиқиш” (натижа), истак, ишлаб чиқариш мезони, энергетик мақсад ёки бир хил маънога эга бўлган бошқа сўзларни (масалан, истак, ниёт, режа) қўллаган ҳолда ифодаланиши мумкин.

4 Энергетика менежменти тизими (3.2.2) муҳитида аниқ бир натижаларга эришиш учун мақсадларни энергетика сиёсати (3.2.4) мувофиқлаштирган ҳолда ташкилот (3.1.1) белгилайди.

3.4.14 самарадорлик (effectiveness): Режалаштирилган фаолият амалга ошириладиган ва режалаштирилган натижалар олинадиган даража.

3.4.15 энергетикага доир вазифалар (energy target): Энергетика хусусиятларини яхшилашга (3.4.6) қаратилган миқдорий ифодаланган мақсадлар (3.4.13).

3.4.16 доимий яхшилаш (continual improvement): Фаолият кўрсаткичлари (3.4.2)ни яхшилашга доир такрорланувчи жараён.

Изоҳ - Ушбу тушунча энергетика хусусиятларини (3.4.3) ва энергетика менежменти тизими (3.2.2)ни яхшилашни назарда тутади.

O‘ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATI

MUVOLIQLASHTIRISH

BOSHQARUVASI

3.5 Энергияга доир атамалар

3.5.1 энергия (energy): Электр энергия, ёкилги, буғ, иссиқлик, қисилган хаво ва бошқа аналогик субстанциялар.

Изоҳ - Ушбу стандарт максадлари учун энергия турли шаклларда, шу жумладан қайта тикланувчи, сақланувчи, қайта ишланувчи (таъсирга юз тутувчи), жиҳозларда ёки жараёнларда фойдаланиладиган ёки қайтарилладиган кўринишларда кўриб чиқилиши мумкин.

3.5.2 энергия истеъмоли (energy consumption): Истеъмол қилинган энергия(3.5.1) миқдори.

3.5.3 энергетика самарадорлиги (energy efficiency): Тақдим этилган хизматлар, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, истеъмол товарлари ёки ишлаб чиқарилган энергия (3.5.1) ҳажми, хусусиятлари (3.4.2) ва уларга сарфланган энергия ўртасидаги муносабат ёки бошқа миқдорий нисбат.

Мисол: конверсия самарадорлиги; талаб қилинган ва амалда фойдаланилган энергия ўртасидаги нисбат.

Изоҳ - “Киришлар” (энергетиканинг чиқиш кўрсаткичлари) каби “чиқишлар” (фаолият натижалари) ҳам миқдор ва сифат кўрсаткичларида аниқ кўрсатилиши ва ўлчовга юз тутиши лозим.

3.5.4 энергиядан фойдаланиш (energy use): Энергия (3.5.1)ни кўллаш.

Мисол: шамоллатмоқ (вентиляция); ёритиш; иситиш; совутиш; ташиш; маълумотларни сақлаш; ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш.

Изоҳ - Энергиядан фойдаланиш, баъзан, “энергиядан чекланган тарзда фойдаланиш” деб ҳам аталади.

3.5.5 энергетика таҳлили (energy review): Кўп миқдорда энергиядан фойдаланувчи (3.5.6) соҳалар ва энергетика хусусиятларини яхшилаш (3.4.6) имкониятларини аниқлашга олиб келувчи маълумотлар асосида энергетика самарадорлиги (3.5.3), энергиядан фойдаланиш (3.5.4) ва энергия истеъмоли (3.5.2) таҳлилини олиб бориш.

3.5.6 кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш (significant energy use): Аҳамиятли даражада энергия истеъмоли (3.5.2) ва/ёки энергетика хусусиятларини яхшилаш (3.4.6) хусусиятларига эга энергиядан фойдаланиш (3.5.4).

Изоҳлар:

1 Аҳамиятлилик даражасини ташкилот (3.1.1) белгилайди.

2 Энергиядан кўп миқдорда фойдаланиш объектларига бинолар, иншоотлар, тизимлар, жараёнлар ва жиҳозлар кириши мумкин.

4 Ташкилотнинг мухити (ташкилот фаолият олиб бориши учун шартлар)

4.1 Ташкилотнинг мухити тўғрисида тушунча (унинг фаолият олиб бориши шартлари)

Ташкилот унинг максадлари билан алоқадор бўлган, энергетика менежменти тизими томонидан мўлжалланган натижалар (“чиқишлар”)га эришиш ва энергетика хусусиятларини яхшилаш имкониятига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни белгилаши (аниқлаши) лозим.

4.2 Манфаатдор томонларнинг эҳтиёжлари ва қутилмалари тўғрисида тушунча

Ташкилот куйидагиларни белгилаши (аниқлаши) керак:

- энергетика хусусиятлари ва энергетика менежменти тизимига алоқадор манфаатдор томонларни;
- ушбу манфаатдор томонларнинг тегишли эҳтиёжларини;
- ташкилот ўз энергетика менежменти тизими ёрдамида манфаатдор томонлардан талаб ва қутиладиган натижаларнинг қайсиларига жавоб беришини.

Ташкилот куйидагиларни амалга ошириши зарур:

O'ZSTANDART AGENTLIGI

STATE STANDARDIZATION INSTITUTION

DAVLAT NAZORATINI

MUHOJIRLASHTIRISH

BOSHQARMASI

- энергетика самарадорлиги, энергиядан фойдаланиш ва энергия истеъмолига оид ҳуқуқий ва бошқа талабларга эга бўлиш имкониятини таъминлаш;
 - ушбу талаблар энергетика самарадорлиги, энергиядан фойдаланиш ва энергия истеъмолига нисбатан қандай қўлланилишини белгилаш (аниқлаш);
 - ушбу талаблар ҳисобга олинисини таъминлаш;
 - белгиланган вақт ораликларида ҳуқуқий ва бошқа талабларни таҳлил қилиш.
- Изоҳ - Белгиланган мажбуриятларни бажариш (риоя қилиш)га доир қўшимча маълумотларни олиш учун ISO 19600 га мурожаат қилиш лозим.

4.3 Энергетика менежменти тизимининг қўлланилиш соҳасини белгилаш

Ташкилот энергетика менежменти тизимининг қўлланилиш соҳаси ва чегараларини белгилаши (аниқлаши) лозим.

Қўлланилиш соҳасини белгилаш (аниқлаш)да ташкилот қуйидагиларни ҳисобга олиши лозим:

- a) 4.1 да кўрсатилган ички ва ташқи омилларни;
- b) 4.2 да таъкидлаб ўтилган талабларни.

Ташкилот ЭМТнинг қўлланилиш соҳаси ва чегараси доирасида энергетика самарадорлиги, энергиядан фойдаланиш ва энергия истеъмолини бошқариш бўйича ваколатларга эгаллигини таъминлаши лозим. Ташкилот қўлланилиш соҳаси ва чегараси доирасида бирорта ҳам энергия турини эътибордан четда қолдирмаслиги лозим.

Энергетика менежменти тизимининг қўлланилиш соҳаси ва чегараси белгиланиши (аниқланиши), фаол ҳолатда бўлиши ва ҳужжатлаштирилган ахборот шаклида қўлланилиши лозим (7.5га қаранг).

4.4 Энергетика менежменти тизими

Ташкилот энергетика менежменти тизимини, шу жумладан зарур жараёнлар ва уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиши, қўллаши (фойдаланиши), ишга яроқли ҳолатда сақлаши ва доимий яхшилаши, шунингдек ушбу ҳужжат талабларига мувофиқ равишда энергетика хусусиятларини доимий яхшилаши лозим.

Изоҳ - Бир ташкилотдаги зарур жараёнлар қуйидаги омилларга боғлиқ ҳолда бошқасидан фарқ қилиши мумкин:

- ташкилот кўламига, унинг фаолияти хусусиятлари, жараёнлар, маҳсулот ва хизматларга;
- жараёнлар ва уларнинг ўзаро ҳаракатининг мураккаблик даражасига;
- ходимнинг зарур билимга эгаллиги даражасига.

5 Пешқадамлик

5.1 Пешқадамлик ва тарафдорлик

Юқори раҳбарият қуйидагилар орқали энергетика хусусиятларини доимий яхшилаш ва энергетика менежменти тизими самарадорлигини ошириш тарафдори ва пешқадамлигини намойён қилиши лозим:

- a) ЭМТнинг қўлланилиш соҳаси ва чегараларини ўрнатишни таъминлаш;
- b) энергетика сиёсати ишлаб чиқилганини (5.2га қаранг), мақсадлар белгиланганлигини, энергетикага доир вазифалар (6.2га қаранг) белгиланганлигини ва уларнинг барчаси ташкилотнинг ривожланиш стратегияси билан мувофиқлаштирилганини таъминлаш;

с) ЭМТ талабларининг ташкилот бизнес жараёнларига интеграциялашувини таъминлаш;

Изоҳ - Ушбу ҳужжатда қўлланилган “бизнес” фаолияти учун муҳим ҳисобланган фаолият турларини ақс эттириш мақсадида кенг тарзда талқин қилиниши мумкин.

- d) harakatlar rejasi ma'quullanishi (tasdiqlanishi)ni va uni ha'etga tadbiq kiliшни ta'minlash;
- e) ЭМТ учун зарур ресурсларнинг mavjudligini ta'minlash;
- f) tashkilotda samarali energetika menejmentining muhimligi va ЭМТ талабларига мувофиқлиги тушунчаларини таркатиш;
- g) ЭМТ ўзининг кўзлаган natijalariga ("chikishlar") eriшини ta'minlash;
- h) energetika xususiyatlari va ЭМТни doimiy yaxshilashni ta'minlash;
- i) energetika menejmenti b'uyicha jamoani zarur ma'lumotlar bilan ta'minlash;
- j) ЭТМ samaradorligini ta'minlashda va energetika xususiyatlarini yaxshilashda ўz hissalarini k'ushishi uchun xodimlarni i'ynalтириш va ularga ёрдам бериши;
- k) бошқа тегишли мансабдор шахсларнинг жавобгарлик мезонларига мос келувчи маълум бир кўринишда ёки шаклда ўз пешкадамлигини намоен қилишда қўллаб-қувватлаши;
- l) energetika xususiyatlarining ўлчов кўрсаткичи зарур шаклда energetika xususiyatlarini aks etтиришини ta'minlashi;
- m) ЭМТнинг қўлланилиш соҳаси va chegarasi доирасида ЭМТ va energetika xususiyatlariga таъсир etувчи ўзгаришларни aniqlash va ularga javob бериш жараёнларининг яратилиши va қўлланилишини ta'minlashi.

5.2 Энергетика сиёсати

Юқори раҳбарият energetika сиёсатини ишлаб чиқиши зарур va у қуйидаги талабларга javob бериши лозим:

- a) tashkilot maqsadlariga mos keliши;
- b) energetikaга доир vazifalarni va maqsadlarni belgilash va ta'hlil kiliш uchun asos yaratishi (6.2га қаранг);
- c) maqsadlarga eriшиш va energetikaга доир vazifalarni bajariш uchun zarur ma'lumotlar va ресурсларнинг mavjudligini ta'minlash majburiyatini ўz ichiga oliши;
- d) energetika samaradorligi, energiyadan foydalаниш va energiya iste'molига доир huquqiy va бошқа талаблар (4.2га қаранг)ни bajariш (rioya kiliш) majburiyatini ўz ichiga oliши;
- e) energetika xususiyatlari va ЭТМни doimiy yaxshilash (10.2га қаранг) majburiyatini ўz ichiga oliши;
- f) energetika xususiyatlariga таъсир etувчи va energiya iste'moli jihatидан samarador ma'sulotlar va хизматлар харидини амалга оширишни қўллаб-қувватлаши (8.3га қаранг);
- g) energetika xususiyatlarini yaxshilashni ўz ichiga olувчи loyihaviy faoliatни қўллаб-қувватлаши (8.2га қаранг).

Энергетика сиёсати:

- хужжатлаштирилган ахборот кўринишида барча учун очик бўлиши (7.5га қаранг);
- tashkilot ichida таркатилиши;
- manfaatдор tomonlar uchun тегишли олиш imkoniatининг mavjud бўлиши;
- davriy ta'hlil kiliлиниши va zarur бўлганда yangilash.

5.3 Tashkilotdagi vazifalar majburiyatlar va vakolatlar

Юқори раҳбарият тегишли функциялар/vazifalarni амалга ошириш uchun vazifa va majburiyatlar, vakolatlar belgilаниши va bundan tashkilotning тегишли xodimlari xabarдор бўлишини ta'minlashi лозим.

Юқори раҳбарият қуйидагилар uchun zarur energetik menejment b'uyicha jamoaning vazifa va majburiyatlarini, vakolatlarini belgilashi лозим:

O'ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATINI

MUVOLAJLASHTIRISH
BOSHQARMASI

- a) ЭМТнинг яратилиши, қўлланилиши, ишга лаёқатли ҳолатда сақланиши ва доимий яхшиланиб боришини таъминлаш учун;
- b) ЭМТ ушбу ҳужжатнинг талабларига мос келишини таъминлаш учун;
- c) энергетика хусусиятларини доимий яхшилаш бўйича ҳаракатлар режаси (6.2га қаранг)ни амалга ошириш учун;
- d) белгиланган вақт ораликларида юқори раҳбариятга ЭМТ фаолияти хусусиятлари ва энергетика хусусиятларини яхшилаш тўғрисида ҳисоботлар тайёрлаш учун;
- e) ЭМТ фаолияти ва уни бошқариш самарадорлигини таъминлаш учун зарур мезонлар ва методларни белгилаш учун.

6 Режалаштириш

6.1 Риск ва имкониятларга жавоб қайтаришга доир ҳаракатлар

6.1.1 ЭМТ доирасида режалаштиришда ташкилот 4.1да кўрсатилган омилларни ва 4.2да кўрсатилган талабларни ўрганиб чиқиши ва ташкилот фаолияти ва энергетика хусусиятларига таъсир этувчи жараёнлар таҳлилинни олиб бориши лозим. Режалаштириш энергетика сиёсатига мувофиқ равишда амалга оширилиши ва натижада энергетика хусусиятларини доимий яхшилашга олиб келиши лозим. Ташкилот қуйидагиларни таъминлаш мақсадида жавоб бериш зарур бўлган рисклар ва имкониятларни белгилаши (аниқлаши) лозим:

- ЭМТ ўзининг кўзлаган натижаларига (“чиқишларга”), шу жумладан энергетика хусусиятларини яхшилашга эришишга бўлган ишончини таъминлаш;
 - номақбул таъсирларни камайтириш ёки олдини олиш;
 - ЭМТ ва энергетика хусусиятларини доимий яхшилашни таъминлаш.
- Изоҳ - А.2 расмда энергетик режалаштиришни тасвирловчи диаграмма жой олган.

6.1.2 Ташкилот қуйидагиларни режалаштириши лозим:

- a) ушбу рисклар ва имкониятларга жавоб қайтаришга доир ҳаракатларни;
- b) қай тартибда:
 - 1) ушбу ҳаракатларни ўзининг ЭМТга ва энергиядан фойдаланиш соҳаси фаолиятидаги жараёнларга интеграциялашувини таъминлаш ва уларни амалга ошириш;
 - 2) ушбу ҳаракатларнинг натижавийлигини баҳолаш.

6.2 Энергетикага доир вазифалар, мақсадлар ва уларга эришишни режалаштириш

6.2.1 Ташкилот тегишли функционал тузилиш ва даражалар учун мақсадларни белгилаши лозим. Ташкилот ўз олдига энергетик вазифаларни қўйиши лозим.

6.2.2 Энергетикага доир мақсадлар ва вазифалар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- a) энергетика сиёсати билан келишилган бўлиши керак (5.2га қаранг);
- b) агар амалда мумкин бўлса ўлчанадиган бўлиши;
- c) қўлланиладиган талабларни ҳисобга олиши;
- d) кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш ҳолларини ҳисобга олиши (6.3га қаранг);
- e) энергетика хусусиятларини яхшилашга қаратилган имкониятларни ҳисобга олиш (6.3га қаранг);
- f) мониторинг қилиш;
- g) ташкилот ходимларини хабардор қилиш;
- h) мос тарзда долзарблаштириш.

Ташкилот энергетик мақсадлар ва вазифалар тўғрисида ҳужжатлаштирилган ахборотни қайд қилиб ва сақлаб бориши керак (7.5га қаранг).

6.2.3 Мақсадларга қандай эришиш ва энергетикага доир масалаларни қандай ечишни режалаштиришда ташкилот қуйидаги саволларга жавобларни ўз ичига олувчи ҳаракатлар режасини тузиши ва ишга яроқли ҳолатда сақлаши лозим:

- нима бажарилиши керак;
- бунинг учун қандай ресурслар талаб қилинади;
- ким бу учун жавобгар бўлади;
- қачон бу тугатилиши керак;
- олинган натижалар, шу жумладан энергетика хусусиятларини яхшилашни верификациялаш учун қўлланилган метод (лар) қай тарзда баҳоланади (9.1га қаранг).

Ташкилот мақсадларга эришиш ва энергетик масалаларни ечишга доир ҳаракатлар қай тарзда бизнес жараёнларга интеграциялашувини кўриб чиқиши лозим. Ташкилот ҳаракатлар режаси тўғрисидаги ҳужжатлаштирилган ахборотларни қайд қилиб ва сақлаб бориши лозим (7.5га қаранг).

6.3 Энергетика таҳлили

Ташкилот энергетика таҳлилини тайёрлаши ва олиб бориши керак. Энергетика таҳлилини тайёрлашда ташкилот қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) ўлчовлар ва бошқа маълумотлар натижалари асосида таҳлил қилиш, хусусан:

1) энергиянинг қўлланилиши мумкин бўлган турларини белгилаш (3.5.1 га қаранг);

2) аввалда ва ҳозирда энергиядан фойдаланиш ва энергия истеъмолини баҳолашга асосланиб, энергиядан фойдаланиш ва энергия истеъмолини таҳлил қилиш.

б) таҳлил маълумотларига асосланиб, энергиядан кўп миқдорда фойдаланиш соҳаларини аниқлаш (3.5.6 га қаранг);

с) энергиядан кўп миқдорда фойдаланувчи ҳар бир соҳа учун:

1) муҳим ўзгарувчиларни белгилаш (аниқлаш);

2) энергетика хусусиятларининг жорий қийматларини белгилаш (аниқлаш);

3) ташкилот бошқаруви остида энергиядан кўп миқдорда фойдаланиш соҳасига таъсир кўрсатувчи ишларни амалга оширадиган шахс (лар)ни белгилаш;

д) энергетика хусусиятларини яхшилаш имкониятларини аниқлаш ва уларнинг устувор жиҳатларини белгилаш;

е) энергиядан фойдаланиш ва энергия истеъмолини келажакда баҳолаш.

Энергетика таҳлили натижалари белгиланган муддатларда, шунингдек энергиядан фойдаланувчи бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, тизимлар ёки жараёнларда сезиларли ўзгаришлар юз берган ҳолларда янгиланиб борилиши керак.

6.4 Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари

Ташкилот энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичларини белгилаш (аниқлаш)и лозим ва у:

а) энергетика хусусиятлари мониторинги ва ўлчовлари учун мос келади;

б) ташкилотга энергетика хусусиятларини яхшилашни намоён қилиш имконини беради.

Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичларини белгилаш ва долзарблаштириш методи ҳужжатлаштирилган ахборот сифатида ишлаб чиқилиши, қўлланилиши ва фаол ҳолатда ушлаб турилиши лозим (7.5га қаранг). Ташкилот унинг муҳим ўзгарувчилари энергетика хусусиятларига сезиларли даражада таъсир этишини кўрсатувчи маълумотларни олган ҳолларда ташкилот бундай маълумотни энергетика хусусиятларининг тегишли ўлчов кўрсаткичларини белгилаш учун кўриб чиқиши лозим.

Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари қийматлари таҳлил қилиниши ва энергетика хусусиятларининг асосий қийматлари билан қарама-қарши қўйилиши керак (мос шаклда). Ташкилот энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари қийматлари

тўғрисидаги хужжатлаштирилган ахборотни қайд қилиб ва сақлаб бориши лозим (7.5га қаранг).

6.5 Энергетика хусусиятларининг асосий қийматлари

Ташкилот энергетика таҳлили асосида олинган маълумотдан (6.3га қаранг) фойдаланган ҳолда ва бунда мос даврни ҳисобга олган ҳолда ўз энергетика хусусиятларининг асосий қийматларини аниқлаши лозим.

Ташкилот унинг муҳим ўзгарувчилари энергетика хусусиятларига сезиларли даражада таъсир этишини кўрсатувчи маълумотларни олган ҳолларда ташкилот энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари қийматларини ва тегишли асосий қийматларни нормаллаштиришни олиб бориши керак.

Изох: Фаолият хусусиятига қараб, нормаллаштириш оддий тўғрилаш (тузатиш)дан ёки мураккаб жараёнлардан иборат бўлиши мумкин.

Энергетика хусусиятларининг асосий қийматлари қуйидагилардан бири юз берган ҳолларда қайтадан тўғриланиши лозим:

а) энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари ташкилот энергетика хусусиятларини ортиқ акс эттирмаса;

б) турғун (статик) омилларда катта ўзгаришлар юз берса;

с) аввалда ўрнатилган методларга мос равишда тўғрилаш учун асос пайдо бўлса.

Ташкилот хужжатлаштирилган ахборот сифатида энергетика хусусиятларининг асосий қийматлари, муҳим ўзгарувчилари ва энергетика хусусиятларининг асосий қийматларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қайд қилиб ва сақлаб бориши лозим (7.5га қаранг).

6.6 Энергетикага доир маълумотларни йиғишда режалаштириш

Ташкилот энергетика хусусиятларига таъсир этувчи ишлаб чиқариш фаолияти асосий хусусиятларининг аниқланиши, ўлчаниши ва белгиланган вақт оралиғида мониторингга ва таҳлилга юз тутишини таъминлаши лозим (9.1га қаранг). Ташкилот унинг кўламига, мураккаблик даражасига, ресурсларига, шунингдек ўлчаш ва мониторинг қилиш учун жиҳозланганлигига мос келадиган энергетикага доир маълумотларни йиғиш режасини белгилаши ва амалга ошириши лозим. Режада асосий хусусиятлар мониторинги учун зарур маълумотлар белгиланиши, шунингдек ушбу маълумотлар қандай ва қандай тезликда йиғилиши ва сақланиши белгиланиши лозим.

Йиғиш учун зарур (ёки ўлчовлар олиб бориш учун сўралган) маълумотлар ва қайд қилиб ва сақлаб бориш учун зарур хужжатлаштирилган ахборотлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим (7.5га қаранг):

а) кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳалари учун муҳим ўзгарувчиларни;

б) кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳаларида, шунингдек ташкилотда энергия истеъмолини;

с) кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳаларига тегишли бўлган ишлаб чиқаришнинг мувофиқлик мезонларини;

д) қўлланилиши мумкин бўлса, статик омилларни;

е) ҳаракатлар режасида белгиланган маълумотларни.

Энергетикага доир маълумотларни йиғиш режаси белгиланган вақт оралиқларида таҳлил қилиниши ва мос шаклда янгиланиб борилиши лозим.

Ташкилот тегишли маълумотларни олиш мақсадида асосий хусусиятларни ўлчаш учун фойдаланиладиган жиҳозлар аниқ ва асл маълумотларни беришини таъминлаши лозим. Ташкилот мониторинг қилиш, ўлчаш, шунингдек аниқлик ва асликни таъминлашнинг бошқа усуллари тўғрисидаги хужжатлаштирилган ахборотларни қайд қилиб ва сақлаб бориши лозим (7.5га қаранг).

O'ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATI

MUVOLAJLASHTIRILISH

BOSHDARICASI

7 Кўллаб-қувватлаш

7.1 Ресурслар

Ташкилот энергетика хусусиятлари ва энергетика менежменти тизимини яратиш, қўллаш (фойдаланиш), ишга лаёқатли ҳолатда сақлаш ва доимий яхшилаш учун зарур ресурсларни белгилаши (аниқлаши) ва тақдим этиши зарур.

7.2 Лаёқатлилиқ (компетентлик)

Ташкилот:

- a) унинг бошқаруви остида фаолият олиб бораётган шахс (лар)нинг энергетика хусусиятларига ва ЭМТга таъсир этувчи зарур билимга эгаллигини белгилаши (аниқлаши);
- b) ушбу шахсларнинг тегишли (мос) таълим, тайёрлов, кўникма ёки тажриба асосида зарур билимга эгаллигини таъминлаши;
- c) мумкин бўлган ҳолларда зарур бўлган билимларни олишга ва амалга оширилган ҳаракатлар натижавийлигини баҳолашга доир ҳаракатларни амалга ошириши;
- d) зарур билимга эгалликнинг далили сифатида хужжатлаштирилган ахборотларни қайд қилиб ва сақлаб бориши (7.5га қаранг) лозим.

Изох - Қўлланилиши мумкин бўлган ҳаракатлар қуйидагиларни, масалан, мавжуд кадрларни тайёрлашни ташкил қилиш, уларга устозлик институтларини қўллаш ёки ижрочиларни алмаштириш, шунингдек зарур билимга эга кадрларни ёллаш ёки уларни шартнома асосида ишлашга жалб қилишни ўзичига олади.

7.3 Хабардорлик

Ташкилот бошқаруви остида фаолият олиб боровчи шахслар қуйидагилардан хабардор бўлиши лозим:

- a) энергетика сиёсатининг моҳияти тўғрисида (5.2га қаранг);
- b) ЭМТ самарадорлигини таъминлашда, шу жумладан энергетикага доир масалаларни ҳал қилишда ва мақсадларга эришишда уларнинг кўшган хиссалари (6.2га қаранг), шунингдек яхшиланган энергетика хусусиятларининг фойдали жиҳатлари тўғрисида;
- c) Улар фаолиятининг ёки хатти-ҳаракатларининг энергетика хусусиятларига таъсири тўғрисида.
- d) ЭМТ талабларига номувофикликнинг оқибатлари ҳақида.

7.4 Ахборот алмашиш

Ташкилот ЭМТга тегишли масалалар бўйича ички ва ташқи ахборот алмашинишларни белгилаши (аниқлаши) ва у қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- a) қайси масалалар бўйича ахборот алмашишларни амалга оширилади;
- b) ахборот алмашиш қачон амалга оширилади;
- c) ахборот алмашиш ким билан амалга оширилади;
- d) ахборот алмашиш қай тарзда амалга оширилади;
- e) ахборот алмашишни ким амалга оширади.

Ташкилот ўз ахборот алмашиш жараёнларини яратишда тарқатиладиган маълумот энергетика менежменти тизими доирасида юзага келган маълумот билан мос келиши ва ишончга сазовор бўлишини таъминлаши лозим.

Ташкилот шундай бир жараённи яратиши ва қўллаши керакки, унинг ёрдамида ташкилот бошқаруви остида фаолият олиб бораётган исталган шахс (лар) ЭМТ ва энергетика хусусиятларига доир изоҳлар билдириши ёки таклифлар киритиши мумкин. Ташкилот таклиф қилинган яхшиланишлар тўғрисида хужжатлаштирилган ахборотларни қайд қилиб бориш ва сақлаш масаласини кўриб чиқариши лозим (7.5га қаранг).

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATINI

MUSAVVIRLASHTIRISH

BOSHQARMASI

7.5 Хужжатлаштирилган ахборот

7.5.1 Умумий қоидалар

Ташкилотнинг энергетика менежменти тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- a) ушбу хужжат билан талаб қилинадиган хужжатлаштирилган ахборотни;
- b) ташкилот томонидан ЭМТ натижавийлигини таъминлаш учун ва энергетика хусусиятларини яхшилашни намоён қилиш учун зарур деб белгиланган хужжатлаштирилган ахборотни.

Изоҳ - Бирор ташкилотнинг ЭМТ учун хужжатлаштирилган ахборот ҳажми ва батафсиллик даражаси қуйидаги омилларга боғлиқ ҳолда бошқасидан фарқ қилиши мумкин:

- ташкилот кўлами, унинг фаолияти, жараёнлари, маҳсулот ва хизматларига;
- жараёнлар ва уларнинг ўзаро ҳаракати мураккаблигига;
- шахсларнинг лаёқатга эгаллигига.

7.5.2 Хужжатлаштирилган ахборотни яратиш ва уни долзарблаштириш

Хужжатлаштирилган ахборотни яратишда ва уни долзарблаштиришда ташкилот мос равишда қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- a) ахборот идентификацияси ва тавсифи (масалан, унинг сарлавҳаси, муддати, муаллифи ёки рўйхатга олиш рақамини кўрсатиш орқали);
- b) унинг формати (масалан, маълумотни баён қилиш тилини, дастурий таъминот турини, график тасвир воситаларини белгилаш орқали) ва тегишли тарқатувчида жойлаштириш (масалан, маълумот қоғозда ёки электрон шаклда жойлаштирилишини кўрсатиш орқали);
- c) маълумотни яроқлилиқ ва мослиги жиҳатидан таҳлил қилиш ва тасдиқлаш.

7.5.3 Хужжатлаштирилган ахборотни бошқариш

Ушбу стандарт ва ЭМТ томонидан талаб қилинадиган хужжатлаштирилган ахборот қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- a) исталган жойда ва вақтда қўллаш мумкин бўлиши ва қўллашга яроқли бўлиши;
- b) мос равишда ҳимояланган бўлиши (масалан, махфийлигини йўқотишдан, лозим бўлмаган фойдаланиш ёки бутунлигини йўқотишдан).

Хужжатлаштирилган ахборотни бошқаришда ташкилот қуйидаги омилларни кўриб чиқиши лозим:

- ахборотни тарқатиш, уни олиш имкониятининг мавжудлиги, шунингдек маълумотдан фойдаланиш (қўллаш);
- ахборотни тўплаш ва сақлаш (ҳимоя қилиш), шу жумладан уни ўқий оладиган ҳолатда сақлаш;
- ўзгаришларни бошқариш (масалан, таҳрирлар/вариантларни бошқариш);
- ахборотларни сақлаш муддати ва уларни йўқ қилиш тартиби. Ташкилот томонидан ЭМТни режалаштириш ва фаолияти учун зарур деб белгиланган хужжатлаштирилган ахборот мос равишда тенглаштирилиши ва бошқарилиши лозим.

Изоҳ - Ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи фақатгина хужжатлаштирилган ахборотни ўрганиб чиқишга руҳсатни ёки хужжатлаштирилган ахборотни ўрганиб чиқиш билан бирга уни ўзгартириш ваколатини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

8 Фаолият

8.1 Фаолиятни режалаштириш ва бошқариш

Ташкилот қуйидагилар орқали 6.2да белгиланган талабларни қўриши ва талабларни қондириш учун зарур кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳалари билан боғлиқ жараёнларни режалаштириши, қўллаши (фойдаланиши), шунингдек ушбу жараёнларни бошқариши лозим:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ДАВЛАТ СТАНДАРТЛАШТИРИШ УЎ
 ДАВЛАТ НАЗОРАТИ

МУЎЛАШТИРИШ
 БОШҚАРУВИ

а) жараёнлар кўрсаткичларининг қўлланилиш мезонларини белгилаш, шу жумладан энергиядан фойдаланувчи бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, тизимлар, қолаверса, жараёнларнинг самарали фаолият олиб боришини ва ишга яроқли ҳолда сақланишини таъминлаш. Юқорида кўрсатилган жараёнларнинг олиб борилмаслиги энергетика хусусиятларининг кутиладиган қийматларидан сезиларли даражада оғишга олиб келади;

Изох - Оғиш мезонларини ташкилот белгилайди.

б) мезонларни ташкилот бошқаруви остида фаолият олиб бораётган тегишли шахсларга етказиш (7.4га қаранг);

с) мезонлар асосида жараёнларни бошқариш, шу жумладан энергиядан фойдаланувчи бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, тизимлар, шунингдек белгиланган мезонларга мувофиқ жараёнлар фаолиятини таъминлаш ва ишга лаёқатли ҳолатда сақлаш;

д) жараёнларни режалаштирилганидек бажарилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун зарур бўлган ҳажмда ҳужжатлаштирилган ахборотни сақлаш (7.5га қаранг).

Ташкилот режалаштирилган ўзгаришларни бошқариши ва режалаштирилмаган ўзгаришлар оқибатларини таҳлил қилиши, зарур бўлган ҳолларда юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни камайтиришга доир чораларни амалга ошириши зарур.

Ташкилот аутсорсингга берилган кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳаларини ёки аутсорсингга берилган кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳалари билан боғлиқ жараёнларни (6.3га қаранг) бошқарув остида бўлишини таъминлаши лозим (8.3га қаранг).

8.2 Лойиҳалаштириш

Ташкилот режалаштирилган ёки кутилаётган вақт давомида энергиядан фойдаланувчи бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, тизимлар, шунингдек энергетика хусусиятларига сезиларли даражада таъсир этадиган жараёнларни яратиш, модификация ёки реконструкция қилишда энергия хусусиятларини яхшилаш ва ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш имкониятларини кўриб чиқиши лозим.

Жоиз бўлса, энергетика хусусиятларини кўриб чиқиш натижалари таснифлаш (техник талаблар)га киритилиши, шунингдек лойиҳаларни ва харид фаолиятини амалга оширишда ҳисобга олиниши лозим.

Ташкилот энергетика хусусиятларига оид лойиҳалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлаштирилган ахборотни қайд қилиб ва сақлаб бориши лозим (7.5га қаранг).

8.3 Харид

Ташкилот фаолиятининг режалаштирилган ёки кутилаётган вақти давомида унинг энергетика хусусиятларига сезиларли даражада таъсир этувчи ва энергиядан фойдаланувчи маҳсулотлар, хизматлар ва жиҳозлар харидини амалга ошираётганда энергетика хусусиятларини баҳолаш учун мезонларни ишлаб чиқиши ва қўллаши лозим.

Кўп миқдорда энергиядан фойдаланишга таъсир этувчи ва энергиядан фойдаланувчи маҳсулотлар, хизматлар ва жиҳозлар харидини амалга ошираётганда, ташкилот етказиб берувчиларни харид жараёнида энергетика хусусиятлари баҳолаш мезонларининг бири сифатида муҳим ўрин тутиши ҳақида хабардор қилиши лозим.

Жоиз ҳолларда ташкилот таснифлаш (техник талаблар)ни аниқлаши ва тарқатиши лозим:

а) харид қилинаётган жиҳоз ва хизматларда зарур энергетика хусусиятларининг мавжудлигини таъминлаш учун;

б) харид қилинаётган энергия учун.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUV. IQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

9 Фаолият кўрсаткичларини баҳолаш

9.1 Энергетика хусусиятлари ва ЭМТ мониторинги, ўлчаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш

9.1.1 Умумий қоидалар

Ташкилот энергетика хусусиятлари ва ЭМТ учун қуйидагиларни белгилаши (аниқлаши) лозим:

а) энг камида қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олувчи ўлчовлар ва мониторингга юз тутадиган соҳаларни белгилаш:

1) мақсадларга эришиш ва энергетик масалаларни ечишга доир ҳаракатлар режаси самарадорлиги;

2) энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари;

3) кўп миқдорда энергиядан фойдаланувчи соҳалар фаолияти;

4) энергиянинг кутиладиган ва амалдаги истеъмоли;

б) мониторинг, ўлчаш, таҳлиллар методлари ва уларнинг натижалари тўғрилигини таъминлаш учун баҳолаш;

с) мониторинг ва ўлчаш қачон олиб борилиши;

д) мониторинг ва ўлчаш натижалари қачон таҳлил қилиниши ва баҳоланиши кераклиги.

Ташкилот ўзининг энергетика хусусиятларини ва ЭМТ самарадорлигини баҳолаши лозим (6.6га қаранг).

Энергетика хусусиятларини яхшилаш энергетика хусусиятлари ўлчов кўрсаткичлари қийматларини (6.4га қаранг) уларнинг тегишли асосий қийматлари (6.5га қаранг) билан таққослаш орқали баҳоланиши лозим.

Ташкилот энергетика хусусиятларидаги сезиларли огишларни тадқиқ қилиши ва унга жавоб қайтариши лозим. Тадқиқот натижалари ва жавоб қайтариш чоралари тўғрисидаги ҳужжатлаштирилган ахборотларни (7.5га қаранг) ташкилот қайд қилиб ва сақлаб бориши лозим.

Ташкилот ўлчашлар ва мониторинг натижалари тўғрисидаги тегишли ҳужжатлаштирилган ахборотни қайд қилиб бориши ва сақлаб бориши лозим (7.5га қаранг).

9.1.2 Ҳуқуқий ва бошқа талабларни бажариш (риоя қилиш) даражасини баҳолаш

Ташкилот режалаштирилган вақт оралиқларида энергетика самарадорлиги, энергиядан фойдаланиш ва унинг истеъмоли, ЭМТга тегишли бўлган ҳуқуқий ва бошқа талабларни бажариш (риоя қилиш) даражасини баҳолаб бориши лозим (4.2га қаранг). Ташкилот ушбу талабларни бажариш (риоя қилиш) даражасини баҳолаш натижалари ва бу натижаларга жавобан амалга оширилган барча ҳаракатлар тўғрисидаги ҳужжатлаштирилган ахборотни қайд қилиб бориши ва сақлаб бориши лозим (7.5га қаранг).

9.2 Ички аудит

9.2.1 Ташкилот қуйидагилар тўғрисида маълумот олиш учун режалаштирилган вақт оралиқларида ЭМТ ички аудитини ўтказиши керак:

а) энергетика хусусиятларини яхшилаш,

б) у:

- ташкилотнинг ЭМТга нисбатан ўз талабларига,

- ташкилот томонидан белгиланган энергетика, сийёсати (5.2га қаранг), мақсадларига ва энергетикага доир вазифаларга,

- ушбу ҳужжат талабларига мос келишини,

U'ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATINI

MUVAJJZLASHTIRISH

BOSHQARMASI

с) натижали қўлланилаётгани, ишга лаёқатли ҳолатда яхши сақланиётгани ёки аксинча.

9.2.2 Ташкилот қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) аудит дастур(лар)и, шу жумладан аудит ўтказиш методлари ва давомийлиги, жавобгарлик, қолаверса, таҳлил қилинадиган жараёнлар ва аввалги аудитлар натижаларини ўрганиб чиқиш учун мўлжалланган ташкилот ички аудити ҳисоботларини режалаштириши, ишлаб чиқиши, бажарилишини таъминлаши ва фаол ҳолатда сақлаши лозим;

б) ҳар бир аудит учун аудит мезонларини ва аудитга юз тутадиган соҳаларни белгилаш;

с) аудит олиб бориш учун аудиторларни шундай танлаш керакки, аудит жараёнида ҳолислик ва бетарафлик таъминлансин;

д) аудит натижаларини тегишли раҳбарларга етказишни таъминлаш;

е) 10.1 ва 10.2га мувофиқ, тегишли ҳаракатларни амалга ошириш;

ф) аудит дастури амалга оширилганлиги ва аудит натижаларининг далили сифатида ҳужжатлаштирилган ахборотни қайд қилиб бориш ва сақлаб бориш (7.5га қаранг).

9.3 Юқори раҳбарият томонидан таҳлил қилиш

9.3.1 Юқори раҳбарият белгиланган вақт оралиқларида ташкилотнинг ЭМТ таҳлилинини унинг яроқлилиги, айнан бир хиллиги ва натижавийлигини, шунингдек ташкилот ривожланиш стратегияси билан алоқасини таъминлаш мақсадида олиб бориши лозим.

9.3.2 Юқори раҳбарият томонидан таҳлил олиб борилганда, қуйидаги омиллар кўриб чиқиши лозим:

а) раҳбарият томонидан аввалда олиб борилган таҳлиллар натижаларига мувофиқ равишда ҳаракатларни амалга ошириш босқичлари;

б) ташқи ва ички омиллар (вазиятлар)даги ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ ЭМТга доир рисклар ва имкониятлар;

с) ЭМТ хусусиятлари, шу жумладан қуйидагиларга оид тенденциялар тўғрисидаги маълумотлар:

1) номувофиқлик ва тўғриловчи ҳаракатларга;

2) мониторинг ва ўлчов натижаларига;

3) аудит натижаларига;

4) ҳуқуқий ва бошқа талабларнинг бажарилиши (мувофиқлиги) даражасини баҳолаш натижаларига;

д) доимий яхшилаш, шу жумладан зарур билимларга эгаллигига доир яхшилаш имконияти;

е) энергетика сиёсати.

9.3.3 Юқори раҳбарият томонидан таҳлил қилиш учун энергетика фаолияти натижалари тўғрисидаги кириш маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- мақсадларга эришиш ва энергетикага доир масалаларни ечиш даражаси;

- энергетика хусусиятлари ва мониторинг ва ўлчашлар натижалари, шу жумладан энергетика хусусиятларининг ўлчов қийматлари асосида энергетика хусусиятларини яхшилаш.

- ҳаракатлар режаси ҳолати (амалга ошириш босқичлари).

9.3.4 Раҳбарият томонидан олиб борилган таҳлил натижалари (“чиқиш” маълумотлари) доимий яхшилаш имкониятларига оид ечимлар ва қуйидагиларни ўз ичига олувчи ЭМТда маълум бир ўзгаришлар заруриятини ўз ичига олиши лозим:

а) энергетика хусусиятларини яхшилаш имкониятлари;

б) энергетика сиёсати;

с) энергетика хусусиятларининг ўлчов ва асосий қийматлари;

д) ЭМТ мақсадлари, вазифалари, ҳаракатлар режалаштириш элементлари, шунингдек улар амалга ошмаган тақдирда бажарилиши лозим бўлган ҳужжатлар;

O'ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH KAM

MAVJUY KAZORATLAR

- e) бизнес жараёнлар билан интеграциялашувни ошириш имкониятлари;
- f) ресурслар тақдим этиш;
- g) ахборот алмашиш, хабардорлик ва зарур билимларга эгаллиги даражасини ошириш.

Ташкилот юқори раҳбарият томонидан олиб борилган таҳлиллар натижаларига доир хужжатлаштирилган ахборотларни қайд қилиб ва сақлаб бориши лозим.

10 Яхшилаш

10.1 Номувофиклик ва тузатиш ҳаракатлари

Номувофиклик аниқланганда ташкилот куйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим:

- a) номувофикликка белгиланган тартибда жавоб қайтариши:
 - 1) номувофикликни бoшқариш ва уни тўғрилашга доир ҳаракатларни амалга ошириши;
 - 2) номувофикликнинг оқибатларига нисбатан чоралар кўриши;
- b) куйидагилар асосида номувофиклик сабабларини улар бoшқа такрорланмаслиги ва пайдо бўлмаслиги учун бартараф этишга доир ҳаракатларни амалга ошириш зарурлигини баҳолаш:
 - 1) номувофиклик таҳлили;
 - 2) номувофикликнинг юзага келиши сабабларини аниқлаш (белгилаш);
 - 3) шунга ўхшаш номувофикликнинг мавжудлиги ёки юзага келиш ҳолатларини аниқлаш (белгилаш);
- c) барча зарур тўғрилаш чораларини амалга ошириш;
- d) амалга оширилган барча тўғрилаш чораларининг самарадорлигини таҳлил қилиш;
- e) зарурият туғилса, ЭМТга ўзгартириш киритиш.

Тўғриловчи ҳаракатлар аниқланган номувофикликлар таъсири қийматлилигига мос келиши лозим.

Ташкилот куйидагилар тўғрисидаги хужжатлаштирилган ахборотни қайд қилиб ва сақлаб бориши лозим:

- номувофикликлар ва барча амалга оширилган ҳаракатлар тўғрисида;
- ҳар бир тўғриловчи ҳаракатлар натижалари тўғрисида.

10.2 Доимий яхшилаш

Ташкилот доимий равишда ЭМТнинг яроқлилиги, айнан бир хиллиги ва натижавийлигини ошириб бориши лозим. Ташкилот энергетика хусусиятларини доимий яхшилашни намoён қилиши лозим.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATI
MUVOLAJLASHISH VA
BOSHQARISH


А илова (маълумот учун). Қўлланилиш бўйича йўриқнома

А.1 Умумий кўриниши

Ушбу иловада келтирилган қўшимча матнлар фақатгина маълумот бериш вазифасини бажаради ва ушбу ҳужжатдан жой олган талабларнинг ногўғри тадқиқ қилинишини олдини олиш учун мўлжалланган. Иловада келтирилган маълумотлар талабларга йўналтирилган ва улар билан боғлиқ бўлишига қарамай, ушбу ҳужжатга бирор қўшимча киритиш, бирор маълумотни чиқариб ташлаш ёки ўзгартириш киритиш учун хизмат қилмайди.

А.2 Энергетика хусусиятлари ва ЭМТ ўртасидаги ўзаро алоқадорлик

Ушбу ҳужжат энергетика хусусиятларини яхшилаш билан бир қаторда, менежмент тизими асосида энергия менежментига ёндашув сифатида қаралади. ЭМТ энергия самарадорлигини ошириш ва энергия истеъмолидаги яхшиланишларни намоён қилиш воситаси сифатида энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари ва асосий кийматлари каби ўзаро ҳаракатдаги элементлардан фойдаланади (А.1 расмга қаранг).



А.1-расм. Энергетика хусусиятлари ва ЭМТ ўртасидаги ўзаро алоқадорлик

Ушбу стандарт энергетика хусусиятларини яхшилашни намоён қилишни талаб қилишига қарамасдан, айнан ташкилотнинг ўзи энергетика хусусиятлари ва вазифаларини белгилаши лозим.

А.3 Қўлланилган тушунчалар изохи

Ушбу ҳужжатда қўлланилган бир қатор атамалар ва бўлимларнинг тузилиши аввалги напсрларга нисбатан менежмент тизимининг бошқа стандартлари билан боғлиқликни яхшилаш мақсадида ўзгартирилган. Шу билан бирга, бўлимлар тузилиши ёки терминологияси ташкилотнинг ЭМТ ҳужжатларида қўлланилишини таъминлашга доир талаблар ушбу ҳужжатда ўрин олмаган. Шунинг билан бирга, бу томонидан қўлланиладиган атамалар ушбу ҳужжатда фойдаланиладиган атамаларга ўзгартирилиши

тўғрисидаги талаблар ҳам мавжуд эмас. Ташкилот ўз фаолияти ва талабларидан келиб чиққан ҳолда атамаларни ташлаб олиши ёки ушбу ҳужжатда қўлланилган атамалардан фойдаланиши мумкин.

- Ушбу стандартда **“ҳар қандай, исталган” (any)** сўзининг қўлланилиши танлов ёки вариантларни назарда тутди.

- **“Мувофиқ, мос” (appropriate)** сўзлари ва **“қўлласа бўладиган” (applicable)** сўзи ўзаро бир-бирини ўрнини босувчи сўзлар ҳисобланмайди. **“Мувофиқ, мос”** яроқлилик, мослик (бирор нарса учун)ни билдириб, қўлланилиш эркинлигининг маълум бир даражасини намоён қилади. **“Қўлласа бўладиган”** эса қўллаш учун яроқлилигини ёки қўллаш имконияти мавжудлигини билдириб, агар уни қилиш мумкин бўлса, қилиш зарурлигини билдиради.

- **«кўриб чиқмоқ (consider)»** сўзи бу ҳақида ўйлаш лозимлигини билдиради, лекин эътиборга олинмаслиги ҳам мумкин. **«ҳисобга олмоқ (take into account)»** сўзи эса, бу ҳақида ўйлашни ва албатта, эътиборга олишни назарда тутди.

- **«таъминламоқ (ensure)»** сўзи бу учун жавобгарлик бошқага юкланиши мумкинлигини билдиради.

- Ушбу стандартда **«манфаатдор томон (interested party)»** атамаси қўлланилган бўлиб, у бир қатор тушунчаларда қўлланилган **«ҳиссадор (stakeholder)»** атамасининг синоними ҳисобланади.

Ушбу нашрда бир қатор янги атамалар қўлланилган. Уларнинг қисқача тавсифи куйида келтирилган.

Менежмент тизимининг бошқа стандартлари билан боғлиқликни таъминлаш мақсадида ҳужжатлаштирилган ахборотга тегишли бўлим сезиларли ўзгаришлар ва қўшимчаларга юз тутмаган (7.5га қаранг). Шунга мувофиқ тарзда **“ҳужжатлаштирилган жараён”** ва **“қайд этиш”** сўзлари барча жойларда **“ҳужжатлаштирилган ахборот”** сўзига ўзгартирилган.

- Ушбу ҳужжатнинг аввалги нашрларида қўлланилган **“ҳужжатлаштириш” (documentation), “ҳужжатлар” (documents)** ва **“қайд” (record)** сўзи **“ҳужжатлаштирилган ахборот” (documented information)** атамасига алмаштирилди. **“Ҳужжатлаштирилган ахборот”** умумий атамасининг мазмунини фарқлаш мақсадида ушбу ҳужжатда **қайд этиб боришни** фойдалаш учун **“ҳужжатлаштирилган ахборотни қайд этиб ва сақлаб бориш”** ибораси ва **вақт ўтиши билан ўзгармайдиган, қайд қилиб бориш шарт бўлмаган ҳужжатларни фойдалаш учун** эса **“ҳужжатлаштирилган ахборотни ишлаб чиқиш, фаол ҳолатда сақлаш ва қўллаш”** иборалари қўлланилган.

- **«кўзланган натижа («чиқиш») (intended outcome)»** ибораси ташкилот ўз ЭМТни қўллаши ва энергетика хусусиятларини яхшилаш йўлида ҳаракатланиши ҳисобига эришиши кўзда тутилган натижаларни англатади.

- **«бошқарув остида фаолият олиб боровчи шахс(лар) (person(s) doing work under its control)»** ибораси ташкилотда фаолият олиб боровчи шахслар ва ташкилот топшириғига биноан фаолият олиб боровчи ва улар учун ташкилот жавобгарликка эга бўлган (масалан, пудратчилар, хизматлар етказиб берувчилар) шахслар тушунилади. У ушбу ҳужжатнинг аввалги нашрларида қўлланилган **«ташкилотда фаолият олиб боровчи ёки унинг топшириғига кўра фаолият олиб боровчи шахслар (persons working for it or on its behalf)»** ва **«ташкилот учун ёки унинг топшириғига кўра ишловчи шахслар (persons working for or on behalf of the organization)»** иборалари ўрнида қўлланилмоқда. Ушбу янги иборанинг мазмуни аввалги нашрларда қўлланилган тегишли ибораларнинг мазмунидан фарқ қилмайди.

A.4 Ташкилотнинг муҳити (ташкилот фаолият олиб бориши шартлари)

Ташкилотнинг муҳити таҳлили унинг ЭМТ ва энергетика хусусиятлари ва ижобий ёки салбий таъсир этувчи ташки ва ички омиллар (вазиратлар)ни, жумҳури даражада тушунишни таъминлайди.

Ташқи омилларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:

- манфаатдор томонларга тегишли бўлган мавжуд миллий ёки соҳага оид мақсадлар, талаблар ёки стандартлар каби масалалар;
- энергия етказиб беришни чеклаш, хавфсизлик ва ишончлилик масалалари;
- энергия қиймати ёки турли хил энергия турларига эгалик имконияти;
- об-ҳаво шароитларининг таъсири;
- иқлим ўзгаришларининг таъсири;
- иссиқхона газлари ажралишининг таъсири.

Ички омилларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:

- бизнеснинг асосий мақсадлари ва ривожланишнинг асосий стратегиялари;
- активларни бошқариш режалари;
- ташкилотга таъсир этувчи ресурслар (меҳнат, молиявий ва б.);
- энергетика менежментининг ривожланиши;
- барқарор ривожланиш масалалари;
- энергия берилишининг узилиши билан боғлиқ олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолатларда ҳаракатлар режаси;
- мавжуд технологиянинг етуклик даражаси;
- ишлаб чиқариш rischi ва жавобгарлик масалалари.

ЭМТ қўлланилиши соҳаси ва чегараси доирасида энергетика хусусиятларини доимий яхшилашни намоён қилиш ушбу хусусиятларнинг барча ўлчов кўрсаткичлари қийматларини яхшилашни назарда тутмайди. Энергетика хусусиятлари ўлчов кўрсаткичларининг бирор қиймати яхшиланиши мумкин, бошқаси эса йўқ, умуман олганда, ташкилот ЭМТнинг қўлланилиш соҳасида энергетика хусусиятларини яхшилашни намоён қилиши лозим.

A.5 Пешқадамлик

A.5.1 Пешқадамлик ва тарафдорлик

Ушбу стандартда белгиланган талабларнинг бажарилишига юқори раҳбарият масъул. У жавобгарликнинг маълум бир қисмини бошқа шахсларга топширган тақдирда ҳам, умумий жавобгарлик юқори раҳбариятдалигича қолади.

Ташкилотда пешқадамлик ва тарафдорликни кенг ёйишда юқори раҳбарият энергетика менежментини ходимларни жалб қилишга доир, шу жумладан уларга ваколатлар бериш, мотивация бериш, тайёрлаш, мукофотлаш (рағбатлаш) ва улар иштирокини таъминлашга доир фаолиятга жалб қилишнинг муҳимлигига алоҳида эътибор қаратиши мумкин.

A.5.2 Энергетика сиёсати

Энергетика сиёсати режалаштириш, жорий қилиш, фаолиятини юритиш, хусусиятларни баҳолаш ва яхшилашнинг барча босқичларида ЭМТни ташкил этишда асос бўлиб хизмат қилади. Энергетика сиёсати ташкилот аъзолари осон тушуна оладиган ва ўз фаолиятида қўллай оладиган қисқа баёнот шаклида ифодаланиши мумкин.

A.5.3 Ташкилотдаги вазифа ва мажбуриятлар, ваколатлар

Ушбу бўлим бўйича ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас.

A.6 Режалаштириш

A.6.1 Рисклар ва эҳтимолларга жавоб қайтаришга доир ҳаракатлар


Рисклар ва эҳтимолларни ҳисобга олиш юқори даражадаги стратегияларни ишлаб чиқишга доир ҳаракатларнинг бир қисми ҳисобланади. ЭМТни режалаштириш босқичларида риск ва эҳтимоллар аниқланган тақдирда, ташкилот юз бериши мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан кўриши мумкин ва бу ноҳуш таъсирларни олдини олишдан

олдин ўрганилишини таъминлайди. Шу билан бирга ижобий натижа ёки афзалликлар олиш имконини берувчи мақбул ҳолатлар ҳам аниқланиши ва амалга оширилиши мумкин.

А.2 расмда энергетик режалаштириш жараёнини тушуниш имконини берувчи диаграмма тасвирланган. А.2 расм аниқ бир ташкилотни акс эттирмайди. Ушбу расмда келтирилган маълумотлар фақатгина тасаввурга эга бўлиш учун қўлланилган бўлиб, ҳақиқатдан йироқдир.

А.6.2 Энергетикага доир вазифалар, мақсадлар ва уларга эришишни режалаштириш

Мақсадлар ЭМТни умумий яхшилаш билан бир қаторда аниқ бир энергетика фаолияти натижаларини яхшилашга доир вазифаларни ҳам қамраб олади. Ўз навбатида, баъзи мақсадлар микдорий бўлиб, энергетика фаолияти натижаларини яхшилашга доир вазифаларни ўз ичига олса (масалан, йил охиригача электроэнергия истеъмолини 3%га камайтириш, тўртинчи чорақда завод самарадорлигини 2%га ошириш), бошқалари эса сифат билан узвий боғлиқ бўлади (масалан, “энергетик хулқ-атвор”). Кўп ҳолларда изланишлар ва бошқа аналогик механизмлар ёрдамида микдорий кийматларни сифат кийматлари билан қўллаш имкони мавжуд бўлади.



А.2 – расм. Энергетикани режалаштириш жараёни

А.6.3 Энергетика таҳлили

Фойдаланилаётган энергия турларини аниқлаш, энергия истеъмоли ва энергиядан фойдаланишни баҳолаш жараёни ташкилот учун кўп микдорда энергиядан фойдаланиш

соҳаларини белгилаш ва энергетика хусусиятларини яхшилаш имкониятларини аниқлашга олиб келади. Кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳалари аниқланганда, ташкилот энергия истеъмоли катта ҳисобланган ва/ёки энергетика хусусиятларини яхшилаш учун салоҳиятли дея қаралаётган мезонларни белгилайди. Кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳалари ташкилот эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, масалан бино ва иншоотларга (масалан, омборхона, завод, офис), жараён ёки тизимларга (масалан, ёритиш, буғлаш, электролиз, моторлар ёрдамида узатма) ёки жиҳозларга (масалан, мотор, иситкич) боғлиқ ҳолда аниқланиши мумкин. Кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳалари белгиланиши биланок, улар ЭМТнинг таркибий қисмига кири тилади.

Ташкилот бошқаруви остида фаолият олиб боровчи шахс (лар)га хизматлар етказиб берувчилар, қисман банд ва вақтинча ёлланган ходимлар кириши мумкин. Энергетик таҳлилларни долзарблаштириш энергиядан фойдаланиш ва энергия истеъмоли, кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳаларини аниқлаш ва энергетик кўрсаткичларни яхшилаш имкониятларини аниқлашга доир маълумотларни долзарблаштиришни ўз ичига олади. Бирок энергетик таҳлилнинг барча қисмларини бир вақтнинг ўзида долзарблаштириш ярамайди. Расмий олиб борилган энергетика аудити энергетика хусусиятларини яхшилаш имкониятларини батафсил очиб беришда қўлланилиши мумкин.

Энергетика аудити энергетик таҳлилнинг бир ёки ундан ортиқ қисми учун маълумотларни тақдим этиши мумкин. Энергетика аудити соҳаси ташкилотнинг энергетика хусусиятлари, кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳалари ва энергиядан фойдаланувчи тизимлар, жараёнлар ва/ёки жиҳозларнинг батафсил таҳлилин камраб олиши мумкин. У, одатда, энергетика аудити олиб бориш учун белгиланган соҳаларда энергетика хусусиятларини кузатиш ва тегишли ўлчовларни олиб боришга асосланади. Энергетика аудити натижалари, одатда, энергетика хусусиятларини яхшилаш асосида барпо этилган бир қатор тавсиялардан ёки ўзига хос маълумотлар ва жойларда ишлаб чиқариш шароитлари таҳлиliga асосланган капиталларни қайтаришдан иборат энергиянинг жорий истеъмоли ва энергетика хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Ташкилотнинг энергетика хусусиятларини яхшилаш имкониятлари ўрганилаётганда аниқ бир жараён учун талаб этиладиган ёки ўрнини алмаштириш имкони бўлган энергия хажмини кўриб чиқиш лозим. Хатто жараён (кимёвий реакция) кимёвий қонунларга асосланган энергетика талаблари натижасида яхшилаш учун чекланган имкониятларга эга бўлган тақдирда ҳам, ёрдамчи ускуналар, кўпинча, раҳбарият жараёнининг яхшиланиши ёки ускуна иш юқининг графигини оптималлаштирилиши туфайли энергетика хусусиятларини яхшилаш учун юқори салоҳиятга эга. Имкониятлар вақт ўтиши билан ишлаб чиқариш параметрларидаги ўзгаришлар, ускунанинг эскириши ва мавжуд технология ва техникаларнинг яхшиланиши натижасида пайдо бўлиши мумкин. Имкониятлар, шунингдек, ускуна ва тизимлар қандай ишлаши, уларнинг ишга яроқлилиқ ҳолати қандай сақланишида ҳам аниқланиши мумкин.

ЭМТ қўлланилиш соҳаси доирасида қайта тикланувчи энергия турларини қўллаш энергетика хусусиятларини яхшилашни ўзида намоён қилмайди. Бунда энергия истеъмоли камайиши мумкин, лекин бу энергетика самарадорлиги ёки энергия истеъмолидаги яхшиланишларга олиб келмайди. Қайта тикланувчи энергия турларини қўллаш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жиҳатидан ижобий натижалар бериши мумкин ва ташкилот ўз олдига мақсад қилиб қайта тикланувчи энергия турларини қўллашни кўйиши мумкин. Бундай ҳолларда ташкилот қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқаришни алоҳида баҳолаши зарур.

Энергетик таҳлил, шунингдек хавфсизлик масалалари ва энергия етказиб беришнинг ишончлилиги масалаларини ҳам кўриб чиқиш зарур.

AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA


DAVLAT NAZORATINI

MUHOFAZALASHTIRISH
BOSHQARMASI

A.6.4 Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари

Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари ҳаракатлар режаси ва бошқа ҳаракатларнинг амалга оширилишидан олдинги (энергетика хусусиятлари ўлчов кўрсаткичларининг аввалги қиймати) ва кейинги (энергетика хусусиятлари ўлчов кўрсаткичларининг якуний ёки жорий қиймати) ҳолатига кўра энергетика хусусиятларини қарама-қарши қўйиш (таққослаш) учун қўлланиладиган “бошқарув” кўрсаткичи ҳисобланади (А.3 расмга қarang). Аввалги ва якуний қийматлар ўртасидаги фарқ энергетика хусусиятларидаги ўзгаришлар ўлчами саналади.

Бизнес фаолиятдаги ёки энергетика хусусиятларининг асосий қийматларидаги ўзгаришларда ташкилот ўз энергетика хусусиятлари ўлчов кўрсаткичларини долзарблаштириши мумкин.



A.3 - расм. Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичи ва унинг қиймати

A.6.5 Энергетика хусусиятларининг асосий қийматлари

Ўзига хос вақт оралиғи деганда, ушбу ишлаб чиқариш даври давомида ташкилотнинг энергия истеъмоли ва энергетика самарадорлигига таъсир этувчи норматив талаблар ёки ўзгарувчан катталикларни (кўрсаткичлар, хусусиятлар) ҳисобга олиши зарурлиги тушунилади, зеро ушбу давр мобайнида олинган маълумотлар фаолият кўрсаткичларининг тўлиқ диапазонини намоён қилади. Ташкилотда мавжуд маълумотлар унинг ўзи олган маълумотлар (масалан, ўлчовлар натижасида) ёки олиш имконияти мавжуд маълумотлар (масалан, об-ҳаво шароитлари ҳақидаги барчанинг олишга имконияти мавжуд маълумотлар) бўлиши мумкин.

Нормаллаштиришдан кўзланган асосий мақсад тўғри таққослаш (қарама-қарши қўйиш) имкониятига эга бўлиш ҳисобланади. Мухим ўзгарувчилардаги ўзгаришларни ҳисобга олувчи энергетика хусусиятлари ўлчов кўрсаткичларини нормаллаштириш энергетика хусусиятларининг аниқ таърифини олиш имконини беради.

Энергиядан фойдаланиш жараёнида кўп миқдорда энергия истеъмоли юз берса, энергиядан фойдаланиш қиймати ЭМТ қўлланилиш соҳаси ва чегарасида пайдо бўлиши ёки йўқолиши мумкин. Бундай ҳолларда энергетика хусусиятларининг асосий қийматларини тегишли тарзда тўғрилаш лозим.

A.6.6 Энергетикага доир маълумотларни йиғиш учун режалаштириш

Мониторинг қилиш ва энергетика хусусиятларини доимий яхшилаш учун маълумот ҳолатида муҳим ўрин тутади. Қандай маълумотларни жамлаш, қандай жамлаш ва қандай муддатда жамлашни белгилувчи режалаштириш ҳақидаги маълумотлар олиб бориш, шунингдек мониторинг, ўлчаш, таҳлил ва баҳолаш жараёнини амалга ошириш

учун зарур маълумотларнинг мавжудлигини таъминлашга ёрдам беради. Маълумот турли усуллар ёрдамида олиниши мумкин: оддий ҳисоблашдан тортиб дастурий иловалар билан боғлиқ ва маълумотларни бирлаштириш ва уларни автоматик тарзда таҳлилини олиб бориш имконини берувчи мониторинг ва ўлчашларнинг мураккаб тизимларини қўллашгача.

A.7 Қўллаб-қуватлаш

A.7.1 Ресурслар

Ресурслар инсон ресурслари, махсус кўникмалар, технологиялар, ахборотларни йиғиш учун инфраструктура ва молиявий ресурсларни ўз ичига олиши мумкин

A.7.2 Зарур билимларга эгаллиги

Зарур билимларга эгаллигига қўйиладиган талаблар ЭМТ ва энергетика хусусиятларига таъсир этувчи фаолиятни амалга оширувчи шахслар (шу жумладап юқори раҳбарият) вазифа ва мажбуриятлари, лавозимларига мос келиши лозим. Зарур билимлиликка қўйиладиган талабларни ташкилот белгилайди.

Кадрларни тайёрлаш зарур билимлиликка эришишнинг асосий методларидап бири саналади. ЭМТ жамоаси аъзоларини ўз билимлари, малакалари ва тажрибаларини мунтазам ривожлантириб, кенгайтириб ва опиириб боришга рағбатлантириш лозим. Ходимлар малакасини оширишнинг миллий ёки маҳаллий тизимлари (ёки шунга ўхшаш тизимлар) амал қилган ҳолларда сертификатлаш имконияти кўриб чиқилиши мумкин.

A.7.3 Хабардорлик

Ушбу бўлимга оид ҳеч қандай қўшимчалар мавжуд эмас.

A.7.4 Ахборот алмашиш

Ушбу бўлимга оид ҳеч қандай қўшимчалар мавжуд эмас.

A.7.5 Ҳужжатлаштирилган ахборот

Ушбу ҳужжат қайси ҳужжатлаштирилган ахборотнинг ишлаб чиқилиши, қўлланилиши ва фаол ҳолатда сақланиши ёки қайд қилиб ва сақлаб борилишини белгиловчи аниқ кўрсатмалардан ташкил топган. Ташкилот энергетика хусусиятларини самарали намоён қилиш ва ЭМТни қўллаб-қувватлаш зарур деб топган ҳолларда ҳужжатлаштирилган ахборотни ишлаб чиқишни ўзи учун белгилаши мумкин. Ва ташқарида ишлаб чиқилган ҳужжатлаштирилган ахборот қонунлар, меъёрлар ва қоидалар, стандартлар, ускунадан фойдаланиш йўриқномаси, об-ҳаво маълумотлари, шунингдек турғун омиллар ва муҳим ўзгарувчиларни қўллаб-қувватловчи маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

A.8 Фаолият

A.8.1 Фаолиятни режалаштириш ва бошқариш

Ушбу бўлимга доир ҳеч қандай қўшимчалар мавжуд эмас.

A.8.2 Лойиҳалаштириш

Фаолияти давомида энергетика хусусиятларини ўрганиш мунтазам даврий таҳлилларни талаб қилмайди. Ушбу ҳужжат ЭМТнинг қўлланилиш соҳаси ва чегараси доирасида энергиядан фойдаланувчи бинолар, иншоотлар, ускуналар, тизимлар ёки жараёнларни лойиҳалаштиришга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Янги иншоотлар учун илғор технология ва методлар, қайта тикланувчи ёки атроф-муҳитни кам ифлослантирувчи муқобил энергия манбаларини қўллаш имкониятларини кўриб чиқиш лозим.

А.8.3 Харид

Харид қилиш энергетика жихатидан самарали товар ва хизматлардан фойдаланиш ҳисобига энергетика хусусиятларини яхшилаш имконини беради. У, шунингдек етказиб берувчилар (поставщик) билан ишлаш ва уларнинг энергиядан фойдаланишга бўлган муносабатига таъсир кўрсатиш имконига эга.

Харид қилинаётган энергияга бўлган талабларнинг моҳияти энергия бозорига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Харид қилинаётган энергияга бўлган талаблар энергия сифати, миқдори, етказиб беришнинг ишончилигига, нархларнинг мавжудлиги ва тузилишига, атроф-муҳитга таъсир ва энергиянинг бошқа муқобил турларига кўйиладиган талабларни ўз ичига олади.

ЭМТ қўлланилиш соҳасидан ташқарида қайта тикланувчи энергияга ўтиш ёки қайта тикланувчи энергия хариди ҳажмини ошириш энергия истеъмолига таъсир қилмайди ва энергетика хусусиятларини яхшиламайди, лекин атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Ташкилот энергия харидига бўлган техник талаблар ёки мезонларнинг бири сифатида қайта тикланувчи энергия турларини харид қилишни ўзи учун қарор қилиши мумкин.

А.9 Фаолият кўрсаткичларини баҳолаш

А.9.1 Энергетика хусусиятлари ва ЭМТ мониторингини олиб бориш, ўлчаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш

Ушбу бўлим маълумотларни йиғиш режасини амалга оширишни (6.6га қаранг) ва энергетика хусусиятларини яхшилаш билан бир қаторда ЭМТ натижавийлигини баҳолашни ўз ичига олади.

ЭМТ самарадорлиги энергетика хусусиятларини яхшилаш ва бошқа белгиланган натижалар асосида намоён қилиниши мумкин. Энергетика хусусиятларини яхшилаш маълум бир вақт давомида тегишли асосий хусусиятлар билан таққослаганда энергетика хусусиятлари ўлчов кўрсаткичлари қийматларини яхшилаш орқали намоён қилиниши мумкин. Энергетика хусусиятларини яхшилаш кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳалари ёки асосий хусусиятлар билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлар жараёнида юз бериши ҳолатлари ҳам мавжуд. Бундай ҳолларда энергетика хусусиятларини яхшилашни намоён қилиш учун ушбу хусусиятларнинг ўз ўлчов кўрсаткичлари ва асосий қийматлари белгиланиши мумкин.

Таҳлиллар олиб боришда маълумотларнинг чекланганлигини (аниқлиги, ўхшашлиги, ўлчашдаги хатолик) ва якуний ҳулосаларни ишлаб чиқишдан олдин энергия ҳисоби барқарорлигини ҳисобга олиш лозим.

А.9.2 Ички аудит

ЭМТнинг ички аудити ташкилот ходимлари томонидан ёки ташкилот томонидан танланган ва унинг кўрсатмаси асосида ишлайдиган бегона шахслар томонидан олиб борилиши мумкин. Аудиторнинг мустақиллиги шу билан тасдиқланадики, у аудит олиб борилаётган фаолият учун жавобгар бўлмайди.

Энергетика аудити ёки энергетик баҳолаш ЭМТнинг ички аудитига кўра бошқа мақсадга эга.

А.9.3 Раҳбарият томонидан таҳлил

Юқори раҳбарият томонидан олиб борилган таҳлил ЭМТ қўлланилишининг барча соҳаларини қамраб олади, лекин ушбу тизимнинг барча элементларини бир вақтнинг ўзида таҳлил қилиш ярамайди. Таҳлил жараёни белгиланган вақт оралиғида амалга оширилиши мумкин.

O'ZSTANDART AGENTLIGI

STANDARTLASHTIRISH VA

DAVLAT NAZORATI

MUHOJIRLIK VA

BOSHQARUVI

A.10 Яхшилаш

“Доимий” маълум бир вақт давомида яхшиланишни назарда тутуди, лекин узлуксиз яхшиланиш мавжудлигини назарда тутувчи “узлуксиз”дан фарқли равишда, узилиш ораликларини ўз ичига олиши мумкин. Доимий яхшиланишда яхшиланиш вақти-вақти билан амалга оширилиши кутилади. Доимий яхшиланишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш тезлиги, ҳажми ва муддати ташкилот томонидан унинг муҳити, иқтисодий омиллари ва бошқа ҳолатларга асосланиб белгиланади.

Энергетика хусусиятларининг яхшиланишини бир қанча усуллар ёрдамида намоён қилиш мумкин, масалан:

а) ЭМТ доирасида ва қўлланилиш соҳасида нормаллаштирилган энергия истеъмолини камайтириш;

б) энергетикага доир масалаларни ҳал қилишда ва кўп миқдорда энергиядан фойдаланиш соҳаларида бошқарувни амалга оширишда олдинга силжиш.

Яхшиланишларга ташкилотнинг устувор йўналишлари асосида эришиш эътироф этилган.

Энергетика хусусиятларини доимий яхшилашга мисол килиб қуйидагиларни келтириш мумкин (лекин фақат шулар билан чекланиб қолмайди):

- Маълум бир вақт давомида ҳароратнинг кескин ўзгариши кузатилмаган ҳудудларда тижорат мақсадида қурилишларни амалга оширишда энергия истеъмоли умумий ҳажмини камайтиришга эришилди.

- Энергия умумий истеъмоли ўсди, лекин энергетика хусусиятлари қийматлари, ташкилот томонидан белгилангани каби яхшиланди. Бундай ҳолларда яхшилашни баҳолаш учун фақатгина бир ўзгарувчан катталик қарама-қарши қўйилган оддий нисбатдан фойдаланилади ва ускуна юки ҳисобга олинмайди.

- Ускунанинг энергетика хусусиятлари у эскириши билан ёмонлашиб боради. Бироқ бундай ёмонлашувнинг зарур фаолиятни бошқариш ва техник хизмат кўрсатиш ёрдамида тўхтатилиши ёки камайтирилиши энергетика хусусиятларининг яхшиланишини намоён қилиши мумкин.

- Ресурсларни қазиб олишда энергетика хусусиятлари ресурслар тугаши билан ёмонлашиши мумкин (масалан, шахтада казиш чуқурлиги ва унумдорлиги ўзгаради), бунда энергетика хусусиятларининг уларнинг асосий қийматларига нисбатан ёмонлашуви суратларининг пасайиши энергетика хусусиятларининг яхшиланиши сифатида қаралиши мумкин.

- Кўп вазиятларда ва ташкилотларда меъёрийлаштиришни талаб этувчи кўп қийматли ўзгарувчилар мавжуд. Масалан, уч хил маҳсулот турини (сут, пишлок, йогурт) ишлаб чиқарувчи сут фермасига об-ҳаво таъсир этиши мумкин.

**O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUV. IQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

В илова
(маълумот учун)
ISO 50001:2011 ва ISO 50001:2018 ўртасидаги нисбат

Б.1 Жадвал

ISO 50001:2011	ISO 50001:2018
Кириш	Кириш
1 Қўлланилиш соҳаси	1 Қўлланилиш соҳаси
2 Норматив ҳужжатлар рўйхати	2 Норматив ҳужжатлар рўйхати
3 Тушунча ва атамалар	3. Тушунча ва атамалар
	4. Ташкилотнинг муҳити
	4.1 Ташкилот ва унинг муҳити тушунчаси
4 Энергетика менежменти тизимига қўйилган талаблар	
4.1 Умумий талаблар	4.3 Энергетика менежменти тизимининг қўлланилиш соҳасини белгилаш 4.4 Энергетика менежменти тизими
4.2 Рахбарият жавобгарлиги	5.1 Пешқадамлик ва тарафдорлик
4.2.1 Юқори рахбарият	4.3 Энергетика менежменти тизимининг қўлланилиш соҳасини белгилаш 5.1 Пешқадамлик ва тарафдорлик 7.1 Ресурслар
4.2.2 Рахбарият вакили	5.1 Пешқадамлик ва тарафдорлик 5.3 Ташкилотдаги вазифа ва мажбуриятлар, ваколатлар
4.3 Энергетика сиёсати	5.2 Энергетика сиёсати
4.4 Энергетик режалаштириш	6 Режалаштириш
4.4.1 Умумий кўриниши	6.1 Риск ва имкониятларга жавоб қайтаришга доир ҳаракатлар
4.4.2 Ҳуқуқий ва бошқа талаблар	4.2 Манфаатдор томонларнинг эҳтиёжлари ва кутилмалари тўғрисида тушунча
4.4.3 Энергетика таҳлили	6.3 Энергетика таҳлили
	6.1 Риск ва имкониятларга жавоб қайтаришга доир ҳаракатлар
4.4.4 Энергетика хусусиятларининг асосий қиймати	6.5 Энергетика хусусиятларининг асосий қиймати
4.4.5 Энергетика хусусиятлари кўрсаткичлари	6.4 Энергетика хусусиятлари кўрсаткичлари
4.4.6 Энергетик мақсадлар ва вазифалар, энергетика менежменти соҳасида ҳаракатлар режаси	6.2 Энергетик мақсадлар ва вазифалар, уларга эришишни режалаштириш
4.5 Жорий этиш ва фаолиятни юритиш	7. Қўллаб-қувватлаш 8. Фаолият
4.5.1 Умумий кўриниши	
4.5.2 Ходимларнинг зарур билимларга эгаллиги, уларни тайёрлаш ва хабардор қилиш	7.2 Ўлақатлилик 7.3 Хабардор қилиш
4.5.3 Ахборот алмашиш	7.4 Ахборот алмашиш
4.5.4 Ҳужжатлаштириш	7.5 Ҳужжатлаштирилган ахборот 7.5.1 Умумий қоидалар

	7.5.2 Хужжатлаштирилган ахборотларни яратиш ва долзарблаштириш
	7.5.3 Хужжатлаштирилган ахборотни бошқариш
4.5.5 Ишлаб чиқаришни бошқариш	8.1 Фаолиятни режалаштириш ва бошқариш
4.5. Лойиҳалаштириш	8.2 Лойиҳалаштириш
4.5.7 Энергетик хизматлар, маҳсулотлар, жиҳозлар ва энергия хариди	8.3 Харид
4.6 Текширув	9 Фаолиятни баҳолаш
4.6.1 Мониторинг, ўлчаш ва таҳлил	9.1 Энергетика хусусиятлари ва ЭМТ мониторинги, ўлчаш, таҳлили ва баҳолаш 6.6 Энергетикага доир маълумотларни йиғишни режалаштириш
4.6.2 Ҳуқуқий ва бошқа талабларни бажариш (риоя қилиш)ни режалаштириш	9.1.2 Ҳуқуқий ва бошқа талабларни
4.6.3 ЭМТ нинг ички аудити	9.2 Ички аудит
4.6.4 Номувофиклик, коррекция, тўғрилаш ва олдини олишга доир ҳаракатлар	10.1 Номувофиклик ва тўғрилашга доир ҳаракатлар
4.6.5 Қайдларни бошқариш	7.5 Хужжатлаштирилган ахборот (юқорига, «Хужжатлаштириш»нинг рўпарасига қаранг)
4.7 Юқори раҳбарият томонидан таҳлил қилиш	9.3 Юқори раҳбарият томонидан таҳлил қилиш 10.2 Доимий яхшилаш
А илова (маълумот учун). Ушбу халқаро стандартнинг қўлланилиш йўриқномаси	А илова (маълумот учун). Қўлланилиш йўриқномаси
В илова (маълумот учун). 50001:2011, 9001:2008, 14001:2004 ва 22000:2005 ўртасидаги мувофиқлик	В илова (маълумот учун). 50001:2011 ва 50001:2018 ўртасидаги мувофиқлик
Библиография	Библиография

O'ZSTANDART AGENTLIGI
 STANDARTLASHTIRISH VA
 DAVLAT NAZORATINI
 MUVOFIQLASHTIRISH
 BOSHQARMASI

Библиография

- [1] ISO 19011 Guidelines for auditing management systems (Менеджмент тизими аудитини олиб боришга доир кўрсатмалар)
- [2] ISO 19600 Compliance management system. Guidelines (Бажариш (риоя қилиш) менеджменти тизими. Кўрсатмалар.)
- [3] ISO 50002 Energy audits. Requirements with guidance for use (Энергетика аудити. Қўлланилишига доир талаблар ва кўрсатмалар)
- [4] ISO 50003 Energy management systems. Requirements for bodies providing audit and certification of energy management systems (Энергетика менежменти тизими. Энергетика менежменти тизимини сертификатлаштириш ва аудитини амалга оширувчи органларга қўйиладиган талаблар)
- [5] ISO 50004 Energy management system. Requirements for the implementation, maintenance and improvement of an energy management system (Энергетика менежменти тизими. Энергетика менежменти тизимининг қўлланилиши, ишга лаёқатли ҳолатда сақланиши ва яхшиланишига доир кўрсатмалар)
- [6] ISO 50006 Energy management systems. Measuring energy performance using energy baselines (EnB) and energy performance indicators (EnPI). General principles and guidance-(Энергетика менеджменти тизими. Энергетика хусусиятларининг асосий қийматлари ва кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ўлчовлар олиб бориш. Асосий принциплар ва кўрсатмалар)
- [7] ISO 50015:2014, Energy management systems. Measurement and verification of energy performance of organizations. General principles and guidance- (Энергетика менежменти тизими.Ташкилотнинг энергетика фаолияти натижаларини ўлчаш ва текшириш. Асосий принциплар ва кўрсатмалар)
- [8] ISO 50047 Energy savings. Determination of energy savings in organizations- (Энергияни сақлаш (тежаш). Ташкилотларда энергияни сақлаш (тежаш)ни белгилаш)
- [9] ISO Guide 73 Risk management-Vocabulary-(Риск менежменти. Луғат)
- [10] ISO/IEC Guide 99 International vocabulary of metrology---Basic and general concepts and associated terms (VIM)-(Халқаро метрологик луғат. Асосий тушунчалар ва улар билан боғлиқ атамалар)
- [11] <http://www.iso.org/iso/home/standards/benefitsofstandards/benefits> repository .htm.type=EBS-CS
- [12] <http://www.iso.org/iso/mss-list>, ISO Management System Standards list Менеджмент тизимида ISO стандартлари рўйхати

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
СТАНДАРТЛАСHTИРИШ ВА
ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ
МУВ. АЙҚЛАСHTИРИШ
БОШҚАРИШИ

Атамаларнинг алфавит бўйича жойлашуви

- | | | | |
|--------|----------------------------------------------------------------------------------------------|--------|----------------------------|
| 3.3.8 | Аудит | 3.1.5 | Манфаатдор томон |
| 3.3.9 | Аутсорсингга бериш | 3.4.9 | Мухим ўзгарувчилар |
| 3.5.6 | Кўп микдорда энергиядан фойдаланиш | 3.4.16 | Доимий яхшилаш |
| 3.4.7 | Энергетика хусусиятларининг асосий қиймати | 3.3.2 | Мувофиқлик |
| 3.4.4 | Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичи | 3.2.1 | Менежмент тизими |
| 3.5.4 | Энергиядан фойдаланиш | 3.3.3 | Номувофиқлик |
| 3.5.5 | Энергетика таҳлили (energy review) | 3.4.10 | Нормаллаштириш |
| 3.2.5 | Энергетика менежменти бўйича жамоа | 3.4.13 | Мақсад (objective) |
| 3.4.11 | Риск | 3.2.3 | Сиёсат |
| 3.5.2 | Энергия истеъмоли | 3.4.14 | Самарадорлик |
| 3.2.2 | Энергетика менежменти тизими | 3.1.1 | Ташкилот |
| 3.4.6 | Энергетика хусусиятларини яхшилаш | 3.3.4 | Тўғрилашга доир ҳаракатлар |
| 3.5.1 | Энергия | 3.4.8 | Турғун омиллар |
| 3.4.15 | Энергетикага доир вазифалар | 3.3.1 | Талаб |
| 3.2.4 | Энергетика сиёсати | 3.4.1 | Ўлчаш (measurement) |
| 3.4.3 | Энергетика хусусиятлари | 3.3.5 | Хужжатлаштирилган ахборот |
| 3.4.5 | Энергетика хусусиятларининг ўлчов кўрсаткичлари қиймати (energy performance indicator value) | 3.4.2 | Фаолият натижалари |
| 3.1.4 | Энергетика менежменти тизимининг (ЭМТ) қўлланилиш соҳаси | 3.4.12 | Лаёқатлилиқ |
| 3.3.6 | Жараён | 3.1.3 | Чегаралар |
| 3.3.7 | Мониторинг | 3.1.2 | Юқори раҳбарият |

O'ZSTANDART AGENTLIGI
 STANDARTLASHTIRISH VA
 DAVLAT NAZORATINI
 MUVAJJILASHTIRISH
 BOSHQARMASI

Мухим сўзлар: аудит, Энергетика менежменти тизимларининг аудити, аудитор, ташкилот, энергетика таҳлили, Энергетика сиёсати.

**O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVAFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш
ва техник жиҳатдан тартибга солиш илми-
тадқиқот институти директори



Г.А. Газиёв

Сертификатлаштириш бўйича директор
ўринбосари



Б.А.Юлдашев

Мувофиқликни баҳолаш ИТБ
бошлиғи



С.Х. Саидов

Сертификатлаштириш бўлими
2-тоифали мутахассиси

Б.К.Қаххоров

**O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOLIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ
НАЦИОНАЛЬНАЯ СИСТЕМА СЕРТИФИКАЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

"Central Asia Certification" mas'uliyati cheklangan jamiyatining menejment tizimlarini sertifikatlashtirish organi,
O'ZAK.MT.0008 Адрес: 100000, Toshkent shahri, Yunusobod tumani, A. Temur tor ko'chasi, 107, 107 A, 107 B. Тел.: (+998
90) 958-00-98

(менежмент тизимларини сертификатлаштириш органининг номи ва манзили, мувофиқликни баҳолаш органларининг давлат реестридаги рақами)
(наименование и адрес органа по сертификации систем менеджмента, № в Государственном реестре органов по оценке соответствия)

МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ



Сертификатлаштириш миллий тизими давлат реестрида куйидаги рақам билан
рўйхатдан ўтказилди:
Зарегистрирован в Государственном реестре национальной системы сертификации за
№: UZ.SMT.04.0008.00000748

берилган сана:
дата выдачи: 29.05.2024

амал қилиш муддати:
действителен до: 28.05.2027

Мувофиқлик сертификати Сертификат соответствия подтверждает соответствие

АО «НАМАНГАН ДОН МАХСУЛОТЛАРИ»
(ташкilot номи)
(наименование организации)

Манзили:
Адрес: Узбекистан, Наманганская обл., г. Наманган, ул. Темирийулчилар, д. 5

Қўшимча маълумот:
Дополнительная информация: Настоящая сертификация была проведена в соответствии с процедурами аудита и сертификации ОССМ
ООО "Central Asia Certification" и подлежит ежегодным инспекционным аудитам в течение срока действия сертификата. Срок
действия сертификата - 3 года.

менежмент тизимини
требованиям, установленным в
O'z DSt ISO 50001:2019

(норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар)
(Нормативно-правовые акты и нормативные документы в области технического регулирования)

белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлайди

ва куйидаги соҳаларда татбиқ этилади:
и применяется в следующих областях:
Производство и реализация муки и комбикормов



Менежмент тизимларини
сертификатлаштириш органининг раҳбари:

Руководитель органа по сертификации
систем менеджмента:

Эксперти:
Эксперт:

SHADMANOV S Z
(Ф.И.О.)

BULAVINA D A
(Ф.И.О.)

